

Халқ сўзи

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 24 июль, № 148 (8771) • Чоршанба

Сайтимиизга Утиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚМИМЗ, БИРЛАШАСАК — ВАТАНМИМЗ!

«ҲОЗИРГИ ЗАМОН ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган янги китоби шундай деб номланади.



Янги китоб

Ўзбекистоннинг бугунги янги қиёфаси, мамлакатимизнинг жаҳон тараққиётида тугган ўрни ва мавқеи, муҳим халқаро ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштироки, долзарб масалалар бўйича илгари сураётган кўплаб ташаббусларнинг мазмун-моҳияти ушбу кенг қамровли, фундаментал асарда муҳозазалар асосида теран ёритиб берилган.

Муаллифнинг кўп йиллик ижтимоий-сиёсий қарашлари, воқеликка янгича ва теран ёндашувларининг махсули бўлган китоб кўйидаги сўзлар билан бошланади:

«Тарих синовларидан ўтган ҳақиқат шукки, ўзини ўзгартиришга қодир бўлган, вақтни — имкониятга, имкониятни ютуққа, ютуқни тараққиёт пойдеворига айлантира олган халқ — буюк халқдир».

Бундай халқ, ҳеч шубҳасиз, ҳаётни ҳам, ижтимоий муҳитни ҳам ўзгартира олади, кўзалган мурод-мақсадларига албатта эришади.

Мен ана шундай улғу эътиқод билан яшаётган халққа раҳбар бўлиб, одамларни ҳаётдан рози қилиш,

уларнинг қалбидаги эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида хизмат қилишни ўзим учун улкан шараф ва масъулият, деб билман».

Дарҳақиқат, Президент Шавкат Мирзиёев серкира фаолиятининг маъно-мазмунига айланган, кейинги етти йил давомида мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислохотларнинг марказида бўлиб келаётган миллий мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, одамларни ҳаётдан рози қилиш, инсон қадрини улуғлаш каби эзгу тушунарларни келтириб чиқарган омилларнинг атрофида таҳлил этиб, уларни бартараф қилиш бўйича аниқ амалий ёчимларни тақлим этиди.

Ҳеч шубҳасиз, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган, Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегиясининг туб мақсади ва негизиде муҳим бўлган гоя ва интилишлар бугунги кунда мард ва олийжаноб халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақл-заковати билан реал воқеликка айлиниб бормоқда. Китобни мутлола қилиш жараёнида бу ҳақиқатни янада чуқур ҳис этамиз ва мана шундай тарихий ўзгаришларнинг даврида бу улғувор ўзгаришларнинг нафақат гувоҳи, балки фаол иштирокчиси бўлиб яшаётганимиздан албатта фخرланамиз.

Жами 6 бобдан иборат китобнинг «Инсоният танлаган барқарор ривожланиш йўли» деб номланган дастлабки бобида муаллиф ўқувчи эътиборини ҳозирги замондаги асосий хавф-хатарларга қаратади. Бу таҳдидларни келтириб чиқарган омилларнинг атрофида таҳлил этиб, уларни бартараф қилиш бўйича аниқ амалий ёчимларни тақлим этиди.

Асарнинг «Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат» деб номланган иккинчи боби мамлакатимизда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган улкан ишлар ва уларнинг натижалари таҳлилга бағишланган. Муаллиф таълим,

тарбия, илм-фан ва маданият, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусан, камбағалликка қарши курашиш, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари бугунги кунда Ўзбекистонда инсон қадрини юксалтириш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, ҳаётини манфаатларини таъминлашга қаратилган муҳим ислохотларнинг ажралмас бир қисмига айлиниб, аниқ самара бераётганини ҳаётини мисоллар орқали кўрсатиб беради.

«Менинг энг катта ниятим — мамлакатимизда камбағаллик ва ишсизликка бутунлай барҳам беришдир, — деб ёзади Президентимиз. — Шундай кунлар келишига ишончим комил ва бунинг учун бор куч ва имкониятларимни, борлигимни бағишлашга тайёрман».

Албатта, тарихан қисқа муддатда мамлакатимизда изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодий ривожланишга эришиш асосида халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди. Айниқса, солиқ, банк-молия тизимидаги янгиланишлар, жумладан, валюта бозорининг эркинлаштирилгани, нақд пул билан боғлиқ муаммоларнинг бартараф этилгани, халқаро молия операцияларининг жаҳон андозаларига асосида амалга оширилаётгани, янги-янги инновацион, юқори технология қорхоналар барпо этилаётгани, замонавий коммуникация тизимлари, рақамли технологиялар ҳаётиимизга жадал кириб келаётгани, тадбиркорлик учун кенг йўл очилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Асарнинг «Янги Ўзбекистон: барқарор иқтисодий тараққиёт» номли учинчи бобида айнан шу йўналишдаги ислохотларга алоҳида урғу берилиб, бу борада эришилган натижалар сарҳисоб қилинади, яқин истиқболда қандай иқтисодий режа ва стратегик мақсадлар олдимида тургани, уларни амалга ошириш учун нималар қилиш зарурлигига эътибор қаратилади. Бу масалалар «Макроиктисодий барқарорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш», «Саноатни жадал ривожлантириш истикболлари», «Янги Ўзбекистон — рақамли иқтисодиёт

сари», «Аграр соҳани ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш», «Янги Ўзбекистон: барқарор ва яшовчан туризм», «Яшил энергетика» — барқарор тараққиёт гарови», «Кучли ҳудудлар — кучли Ўзбекистон демокдир» каби мавзулар орқали атрофлича очиб берилди.

Халқимиз ва жаҳон жамоатчилигини ўртасида Янги Ўзбекистон меъморчи сифатида эътироф этилаётган Президентимизнинг ушбу китобидаги «Сайёрамиз ва Янги Ўзбекистон экологик таҳдидлар қаршида» деб номланган тўртинчи боб ҳам диққатга сазовордир. Муаллиф унда «ҳозирги даврда жаҳон микросида учта инқироз, яъни иқлим ўзгариши, биохилмаҳилликнинг қисқариши ва атроф-муҳитни ифлосланиши, табиий ресурсларнинг камайиши шиддат билан давом этаётгани» ҳақида жиддий таъҳил ва ҳаҳмон билан фикр юрилади, жаҳон халқамиятини ушбу таҳдидларга қарши биргаликда курашишга даъват этади.

Масалан, сув муаммоси Ўзбекистон олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Шавкат Мирзиёев бу борада мавжуд вазиятни тубдан ислоҳ қилиш, Яратганнинг бебаҳо неъматини бўлган сув ресурсларини тежаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий асосланган, тизимли чора-тадбирларни шу соҳани яқиндан биландиган етук мутахассис сифатида бирма-бир қайд этиб, трансчегаравий дарёлар сувидан халқаро қонунчилик асосида фойдаланиш, бу борада қўшни давлатлар билан ҳамкорлик масаласига алоҳида тўхталиб ўтади.

Мазкур бобдан ўрин олган «Орол фожиаси — умумбашарий фожа», «Мақсадимиз — аҳолининг қулай экологик муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш», «Яшил макон» умумиллий лойиҳаси — экологик вазиятни барқарорлаштириш гарови», «Иқлим муаммолари — барқарор ривожланиш йўлидаги энг катта таҳдид» сингари мавзулар таҳлил қилинган муҳим фикр ва мулоҳазалар соғлом фикр ҳеч бир инсонни бифарқ қолдирмайди.

Маълумки, Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида иш бошла-

ган илк кунлардан бошлаб «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», «Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади», деган олийжаноб гоя ва мақсадларни илгари суриб, Ўзбекистондаги катта-кичик барча раҳбарлардан ўз фаолиятини айнан шу мезонлар асосида олиб боришни талаб этди. Утган йиллар давомида мамлакатимизда юз берган туб ўзгариш ва янгиланишлар, юртдошларимиз ҳаётидаги ижобий натижалар ана шундай халқпарвар сиёсат самарасидир.

Асарнинг «Халқ хизматидаги давлат — эл-юрт учун улғу саодат» деб номланган яна бир муҳим бобида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, давлат идоралари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти, коррупцияга қарши курашиш масалалари ҳақида атрофлича сўз юрилади.

Барчамизга аёнки, Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституциясида мамлакатимизнинг тинчликсеварлик ва тараққиётпарварликка асосланган таъқи сиёсати кўйидаги энг муҳим тамойиллар билан мустаҳкамлаб қўйилган:

«Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг бузишмаслиги, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, низоаларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принциплари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа принцип ва нормаларига асосланади».

Ушбу конституциявий норма Янги Ўзбекистон сиёсатида ўзининг тўлиқ амалий ифодасини топмоқда. Бугунги кунда республикамиз дунёга кенг очилиб, жаҳондаги барча тинчликсевар давлатлар билан тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаат асосида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини фаол олиб бораётган мамлакатга айланди.

Яқинда юртимизга таширф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош қотиби жаноб Антониу Гутерриш ҳақли равишда эътироф этганидек, минтақада интеграция ҳақидаги жараёнларини куч-

қайтириш, «Марказий Осиё рўи»ни шакллантиришда Янги Ўзбекистоннинг ўрни ва таъсири беқийсдир. Бугун бу ҳақиқатни дунё ҳамжамияти тан олмақда.

Китобнинг «Янги Ўзбекистон — хавфсиз ва тинчликсевар давлат» деб номланган сўнгги бобида «Янги Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсати» ва умуман, бугунги сиёсий ва ижтимоий қиёфаси қандай бўлиши кераклиги «Янги Ўзбекистоннинг ўзаро ишонч ва ҳамкорликка асосланган иқтисодий дипломатияси», «Ўзбекистоннинг янги сиёсати векторлари: ватандошлар билан ҳамкорлик ва мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш», «Ҳарбий-жанговар қудрат ва юксак маънавий салоҳият — Ўзбекистон Қуроли Кучларининг икки буюк таъничи», қўшни Афғонистон билан муносабатлар истиқболда «Бизга тинч ва барқарор, ўзаро манфаатли шериклик учун очик Афғонистон керак» каби мавзулар таҳлили орқали батафсил ёритиб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, «Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон» китобида мамлакатимизнинг бугунги тараққиёт суратлари, унинг жаҳон майдонидаги тобора ортиб бораётган обрў-эътибори ва нуфузи, олис ва яқин истиқболга мўлжалланган мақсад ва вазифалари қандай мустаҳкам пойдеворга асослангани, қандай омиллар ҳисобидан таъминланаётгани ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинган. Ўзбекистондаги кўп қиррали сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий ислохотларнинг, мамлакатимиз ва жаҳон ҳамжамияти ўртасидаги муносабатларнинг бирин-бир йўналиши муаллиф эътиборидан четда қолмаган.

Ҳозирги замоннинг шиддатли ва зиддиятли тараққиёт тамойилларини мураккаб ва таҳлилки давр нуқтаи назаридан тушуниш, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш, келажакка катта ишонч билан қараб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнидада онгли ва бунёдкор фуқаро сифатида муносиб иштирок этишда, янги ватанпарвар авлодни тарбиялашда ушбу асарнинг ҳақиқат бекқийсдир.

Ў.А.

МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ҚАЙТАРИЛГАН ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МИНТАҚАДА ЯНГИ СИЁСИЙ МУҲИТ ЯРАТИШИДА ХИЗМАТЛАРИ БЕҚИЁС

Марказий Осиё минтақаси чорак аср давомида мураккаб бир даврни бошдан кечирди. Тили, дини, урф-одати муштарак бўлган халқларимиз ўртасида турли зиддиятлар, қалтис муносабатлар сунъий равишда пайдо қилинди. Оқибатда чегаралар ёпилди, борди-келдиларга барҳам берилди, ҳатто тугаш ҳудудларда тоғлар миналаштирилди. Марказий Осиё учун бир бўлган трансчегаравий дарёлар, айловлардан биргаликда фойдаланиш масаласи боши берк кўчага кириб қолди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, дўст-биродар халқлар бир-бирига душман кўзи билан қарай бошлади.

Мушоҳада

Муносабатлар совуқлашганидан, аввало, асрлар давомида бир дарёдан сув ичган, бир тандирдан нон еган, қанда-қанда, оға-ини бўлиб бериб келган келган оддий халқ мислсиз жабр кўрди. Энг аянчлиси, бу давр жуда узок давом этди. Катта авлод вақилари бундай разолатга чидалмай, дунёдан кўзи очик кетди.

Халқимиз «Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун хайр-баракат кўтарилади», деб беҳиж айтмаган. Зеро, Марказий Осиё халқлари учун алоҳида тараққиёт, алоҳида хавфсизлик, алоҳида ҳаво, алоҳида сув йўқ. Бу мамлакатларни Яратганнинг ўзи бир-бирига чамбарчас боғлаб қўйган. Шу боис Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев давлат бошқарувида келган кундан бошлаб Марказий Осиё муаммоларини, мураккаблиklarини ҳал этишга киришди.

Тўғриси тан олиш керак, ўшанда баъзи бир ўзини сиёсатчи деб ҳисоблайдиганлар бу уринишлар хато эканини бир неча бор таъкидлашганди. Уларнинг наздида Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида юзга келган зиддиятларни бартараф этишнинг мутлақо иложи йўқ эди. Минг афсуски, бу қалтабни қарашларга, хомхаёлларга ўзимиз ҳам қўниқиб, мослашиб қолгандик. Қайси томондан олиб қарасак ҳам, Марказий Осиё муаммоларини ечиш имконияти йўқдек бўлиб туоларди. Шаҳсан гувоҳ бўлганман. Марказий Осиё мамлакатлари делегациялари йиғилган тадбирларда бир-биримизга ёққараш қилганмиз. Бир-биримизнинг фикримизга қарши чиққанмиз. Бу вазиятларни қузатиш жуда оғир эди.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ҳар қан-

варли савол ҳаммани ўйлашга, хулоса чиқаришга ундади.

Халқаро анжуманда иштирок этган экспертлар, сиёсатчилар Марказий Осиё минтақасида туб бурилиш ўчи беришини эътироф этишди. Бунда Ўзбекистон томони ҳал қилувчи, асосий ва муҳим ўрин тутишини таъкидлашди. Бу беҳиж эмас, албатта. Утган давр мобайнида ҳеч ким бундай даъват билан майдонга чиқмаган эди.

Бугун амалда Марказий Осиё мамлакатлари учун ечилмаган муаммо деярли қолмаган. Бу борада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан асос солинган, илгари сурилган, мунтазам равишда ўтказиб келинаётган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари жуда муҳим ўрин тутмоқда.

Мантиқан олиб қараганда ҳам бизнинг ўртамиздаги масалалар кимдир келиб ечиб бермайди. Қадимда аждодларимиз қурултой қақириб, ҳар қандай чигал муаммони уруш-жанжалсиз ҳал этган. Орада маълум бир муддат бу қадриятлар, аёнчалар унутилган, Марказий Осиё халқаро ҳамжамият томонидан уруш келиб чиқши муқарар бўлган, зиддиятли ҳудудлар сирасига киритилган бўлса-да, Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг қўшни мамлакатлар билан ўзаро дўстона муносабатларга асосланган оқилона сиёсати азалий аёнчаларимизнинг тикланишига ва юзга келган муаммоларга ҳамжиҳатликда ечим топилганига сабаб бўлди.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нуқтада таъкидлаганидек, биргаликдаги саяҳат-харакатларимиз туфайли Ўзбекистон барча қўшнилари билан давлат чегаралари, транспорт коридорлари ва сувдан фойдаланиш бўйича муаммоларни бартараф этишга мунтақавий бўлмоқда. ...Бизнинг халқларимизни минтақавий ўзига ҳосликни англаш туйғуси бирлаштиришда ва бу туйғу тобора кучайиб бормоқда. Бизнинг нафақат тарихимиз, балки келажакимиз, ҳаётини муҳим манфаатларимиз ҳам умумий ва муштаракдир. Минтақавий ҳамкорлигимизни кенгайтиришдан бошқа йўлимиз йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас! ...Марказий Осиёни тинч ва гуллаб яшанаётган ҳудудга айлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатида бундан буён ҳам устувор мақсад бўлиб қолади.

Марказий Осиё минтақасида эришилган тинч-

лик-барқарорликни таҳлил қилган халқаро экспертлар бу тарихий жараёнларда Ўзбекистон томони илгари сурган ва изчил амал қилиб келаётган ўзаро ишонч дипломатияси галаба қозонганини эътироф этишди.

Баъзан ўйлаб қоламан, аслида яқин қўшнилар ўртасидаги зиддиятларга ҳеч қандай табиий омиллар сабаб бўлмаган экан. У ер бўладими, сув бўладими ёки чегарадаги ноаниқ ҳудудлар бўладими — ҳаммасига тинч-тотувиликда, дўст-биродарликда, қонқардошлиқда ечим топса бўлар экан.

Орадан йиллар ўтади. Олимларимиз, мутахассисларимиз Марказий Осиёда юз берган, қарий 25 йил давом этган кризис ва унинг салбий оқибатлари, мамлакатлар иқтисодиётига етказилган зарар, халқларимиз қалбидаги жароҳатларни ўрганадилар, таҳлил қиладилар. Ишончим комил, бу туманин, бу зулматни тарқатиб юборган қаҳрамон номини, албатта, тарихга муҳрлашди.

Бугун Ўзбекистон ва унинг раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида очиклик, аҳиллик ҳукм сурмоқда. Сўнгги пайларда тез-тез Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида қўшни мамлакат фуқаролари ўз транспорт воситаларига эмин-эркин юрганини учратаман ва бу қўнларнинг қадрига етиш керак дейман, ўзимча. Утган кунлардан сабоқ олиб, минтақамиз давлатлари учун умумий келажак барпо этилаётганидан қувонаман. Бу борада Ўзбекистон томони ўзининг тарихий ўрнини тиклаганидан, барча масъулиятни ўз зиммасига олганидан фخرланаман. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиёга ўзаро ишонч руҳини қайтарган давлат раҳбари сифатида тарихда қолишига ишонаман.

Хулоса ўрнида эса давлатимиз раҳбарининг қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: «Мустақкам тинчлик ва фаровонликка фақат умумий интилишлар ва биргаликдаги ҳаракатлар билан эришиш мумкин. Бизга ўзаро ишонч, бирдамлик ва ҳамкорлик руҳи ҳар қачондиган ҳам кўпроқ зарур».

Рустам ХОЛМУРДОВ,
Самарқанд давлат университети ректори,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ХАЛҚ ДЕЙДИКИ...

Янгиланаётган Ўзбекистоннинг бугунги сурату сиратидаги бир сўз билан таъриф у таъриф бериб бўлмайди. Зотан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигимда кейинги йилларда амалга оширилган ислохотлар ҳар бир соҳа ва тармоқни, мамлакатимизнинг барча ҳудудини қамраб олдики, ҳозирги кунда янгиланишларни бор қўлами, мазмун-моҳияти, аҳамиятига кўра тўла тасаввур этиш, қозғоғга тушириш жуда мушкул.

Тўғри, шаҳару қишлоқлар бутунлай янги қиёфа касб этгани, одамлар аввалгидан кўра тўқисроқ, фаровонроқ яшаётгани, эркин нафас олаётгани, уларда эртанги кунга ишонч янада мустаҳкамлангани, мамлакатимизнинг жаҳондаги обрў-эътибори тобора юксалаётганини ҳар биримиз ҳаётда кўриб-билиб турибмиз, ўзаро суҳбатларда, мулоқотларда аниқлашдик. Лекин мана шу ўзгаришлар нафаси, бетимсол бунёдкорликлар инсонлар онгу дунёқарашини, тафаккур тарзини, орзу-мақсадларини ҳам улкан юксалишларга пойдевор бўлаётганини бир жумла билан ифода қилиш мумкин.

Дарҳақиқат, бугун қайси касб эгаси бўлишдан қатъи назар, ҳар бир юртдошимизда яратувчанлик қиймати уйғонгани, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси кучайгани, одамлар Ватанимизнинг ҳар қарч тупроғини муқаддас билиб, уни боғу бўстонга айлантираман, тараққиётга ҳисса қўшаман, деган эзгу мақсад билан яшаётгани, меҳнат қилаётганининг ўзи кўп жиҳатни ойдинлаштиради.

Эзгу ташаббуслар ва ислохотлар самарасини ўз ҳаёти мисолида кўраётган юртдошларимиз фикр-мулоҳаза ҳамда дил сўзлари билан «Халқ дейдики...» саҳифасида танишасиз.

4-5-саҳифага қаранг. ➔

Сенат кўмиталарида

ШАҲАРСОЗЛИК ТАЛАБЛАРИНИ
БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК
КУЧАЙТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши раислари, кўмита хузуридаги экспертлар гуруҳи аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисида Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Хусусан, "Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, юртимизда шаҳарсозлик соҳасини тақомиллаштириш ва шаҳарсозлик фаолияти объектларининг сейсмик хавфсизлигини таъминлашда тизимли чора-тадбирлар қабул қилинганига қарамадан, шаҳарсозликка оид қонунчилик талаблари бузиб келинмоқда.

Жумладан, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан 2021 йилда 30,5 мингта, 2022 йилда 32,5 мингта ва 2023 йилда 36,2 мингта объект қурилиши устидан давлат назорати ўрнатилган.

Бу объектларда Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаси бўйича 2021 йилда 3,1 минг, 2022 йилда 6,1 минг ва 2023 йилда 7,6 минг нафар ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилган.

Сўз юритилаётган қонун шулардан келиб чиққан ҳолда атофлича таҳлил қилинди. Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари ҳамда "Лицензиялаш, рухсат бериш ва ҳабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонунга тегишли ўзгаришлар киритилмоқда.

Масалан, Жиноят кодексига қурилиш тугалланган бино ва иншоотлардан фойдаланишга ҳамда уларни қабул қилиб олиш қоидаларини бузганлик, объектларни назорат

инспекциялари рухсатномасиз қуриш ва кўп квартиралар уйларидаги таянч конструкцияларни қонунчиликни ва норматив ҳужжатларни бузган ҳолда ўзгартириш ва (ёки) реконструкция қилганлик, бошқа яна бир қатор ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик юзага келишини назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, шаҳарсозлик борасидаги қонунчиликнинг бузилиши одам ўлими ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, бу учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланиши назарда тутилмоқда.

Бу борада қонун нормаларини бузиб, кўп квартиралар уйларидаги таянч конструкцияларни ўзгартириш ва (ёки) реконструкция қилиш билан боғлиқ жиноятни биринчи марта содир этган ҳамда амалга оширилган ўзгариш ўзгартириш ёки бузилишларни, шунингдек, уларнинг оқибатларини ихтиёрий равишда бар-тарф этган шахс жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Лойihalаш, қурилиш-монтаж ишлари бажарилаётганда талабларни бузиш, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳамда йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияларининг кўрсатмаларини бажаришдан қасддан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаганлик учун жарима жазоси белгиланяпти.

Шунингдек, шаҳарсозликка оид қонунчилик талабларини бузганлик учун жарима жазолари кучайтирилмоқда.

Сенаторлар қонуннинг қабул қилиниши юртимизда қурилишлар сифатини ошириш, бинолар ва иншоотлар қонунга хилоф равишда қурилишининг олдини олишга ҳамда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик талабларига қатъий риоя этилишини таъминлашга қизғин қўллашнинг зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Муҳокама якунида қўрилган масала бўйича Сенат кўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ВА
ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитасининг навбатдаги мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига коммунал тўловларни суд орқали ундиришда қулайликлар яратишга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Қонун билан Фуқаролик процессуал кодексига ва "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Унга кўра кўп квартиралар уйлари бошқариш органлари ўзлари томонидан аҳолига кўрсатилган хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича қардорликни ундириш тўғрисидаги ариза билан фуқаролик ишлари бўйича ва иқтисодий судларга мурожаат қилганда, давлат божини тўлашдан озод қилиниши ҳамда судларга суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишда аризага илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати қатъий белгилаб қўйилмоқда.

Мажлисида қонун аҳолининг ортиқча оврагарчилигининг олдини олиш ва одил судловни таъминлашга қаратилгани билан аҳолиямнинг экани қайд этилиб, уни Сенатнинг галдаги ялпи мажлисига киритиш белгиланди.

Тадбирда Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат санотида инвестицияларни жалб қилиш ҳамда экспортни кўпайтиришга оид вазибаларнинг бажарилиши юзасидан амалга оширилган ишлар ҳолати ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, бу борада қатор ишлар амалга оширилган бўлиб, ҳудудларда мевали боғ ҳамда янги тозорлар барпо этилган ҳамда яроқсиз 12,8 минг гектар боғ ва 12,2 минг гектар тоқор реконструкция қилинган. Маҳсулот этиштирилиши қўллаб-қувватлаш мақсадида эса Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 2023 йил ҳосили учун мева-сабзавотчиликка 322 млрд. сўм йўналтирилган.

Натижада экспорт географияси кенгайиб, Австралия, Англия, Греция, Колумбия, Шри-Ланка, Янги Зеландия, Доминикан давлатларига маҳсулотлар экспорти йўлга қўйилган ва асосан, қиймати юқори кўрсаткичи ливия, мош, тарих, помидор, сабзи ҳамда қайта ишланган ва қурилган маҳсулотлар сотилган.

Мажлисида шу каби ютуқлар баробарида ҳал этилиши лозим бўлган масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Масалан, мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт шартномалари ижросида хорижий ҳамкорларга ўз вақтида етказиб бериш ва экспортёрлар талаби асосида "бир ҳудуд — бир экспортёр" ва

саноатбон маҳсулот" усулида юқори нархда сотиладиган маҳсулотлар экиш ҳамда ҳосилни суғурта қилиш масалаларига алоҳида ургу берилди.

Кўмита мажлисида Андижон, Жиззах, Наманган ва Хоразм вилоятларида иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш борасида амалга оширилган ишлар ҳам сенаторлар томонидан муҳокама қилинди.

Ҳудудларда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, маҳаллий саноатни ривожлантириш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли натижаларга эришилгани қайд этилди.

Хусусан, жорий йилнинг 1 чорагида ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми Андижон вилоятида 13,1, Жиззах вилоятида 7,7, Наманган вилоятида 8,3 ва Хоразм вилоятида 5,7 фоизга ўсиши таъминланган.

Иқтисодий фаолликнинг ошиши натижа-сида жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари Андижонда 23,8 мингтани, Жиззахда 15,8 мингтани, Наманганда 22,4 мингтани ва Хоразмда 22,8 мингтани ташкил этган.

Ушбу кичик тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги энг юқори улushi Жиззахда 65,6, Наманганда 64,4 ва Хоразмда 63 фоиз бўлган.

Иш ўринлари яратиш ва бандликни таъминлаш орқали аҳолининг турмуш даражасини ошириш бўйича белгиланган вазибалар ижросига маҳаллабй ишлаш тизими асосида ёндашилгани ўз самарасини бераётгани ҳам иштирокчилар томонидан алоҳида айтиб ўтилди. Худудий бандлик дастури доирасида доимий, вақтинчалик ва мавсумий иш ўринлари хисобига жами 251 минг киши ишга жойлаштирилган.

Мажлис давомида Андижон, Жиззах, Наманган ва Хоразм вилоятлари маъсулалари ахбороти эшитилди ва ҳудудларда тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ҳамда жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ зарур кўрсатмалар берилди.

Мажлис якунида кўриб чиқилган масалалар юзасидан Сенат кўмитасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат мамлакатимиз делегациясининг Таиланд Кириллигига танишув ташрифи ташкил этилди.

Учрашув

Хусусан, унда мигрантлар орасида хавфли касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва уларни даволаш соҳасидаги илгор тажриба ҳамда ушбу йўналишда ишловчи фуқаролик жамияти институтлари фаолияти ўрганилди.

Ташриф давомида Таиланд Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Миграция бўйича халқаро ташкилот ва АҚШ Соғлиқни сақлаш вазирлиги қoшидаги Касалликларни назорат қилиш ва уларнинг олдини олиш

марказининг (CDC) Таиланддаги ваколтонхоналари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури (UNAIDS) вакиллари, меҳнат мигрантлари билан ишловчи нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан учрашувлар ўтказилди.

Мулоқотлар чоғида Таиландда хавфли касалликларга қарши курашиш, меҳнат мигрантлари билан ишлаш ва улар орасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва даволаш борасидаги ишлар юзасидан ўзаро фикр

алмашилди. Айни чоғда Таиланднинг миллий тиббий суғурта тизими, уни молиялаштириш, ушбу тизим афзалликлари ва суғурта билан аҳолини қамраб олиш даражаси ҳамда меҳнат мигрантлари билан ишлаш, ОИВ инфекцияси тарқалишини камайитишда фуқаролик жамияти институтлари ўрни ва бошқа долзарб масалалар муҳокама марказида бўлди.

Ўз навбатида, делегациямиз аъзолари Ўзбекистонда ташқи меҳнат миграцияси соҳасида ҳамда ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ва даволаш борасида эришилаётган ютуқлар тўғрисида кенг маълумот берди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

АҲОЛИ ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРДАН
ХАБАРДОРМИ?

Олий Мажлис Сенати аъзолари халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатлари ҳамда "Маҳалла еттилиги" билан ҳамкорликда жойлардаги муаммоларни тизимли ҳал этиш юзасидан амалий ҳаракатлар олиб бормоқда.

Хусусан, сенатор Бахтигул Бутаева Олтинсойда халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, "Маҳалла еттилиги" ва фаоллар билан учрашув ўтказди.

Бевосита мулоқотлар давомида фуқароларнинг ижтимоий хизматлардан хабардорлигини

ошириш, маҳаллада аҳоли муаммоларини самарали ҳал этиш ва маънавий мухитни сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Айни чоғда маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағаллик

ни қисқартириш ва хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, билим ва кўникмаларини ошириш масалалари чуқур таҳлил қилинди.

Шу билан бирга, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш бораси-

даги вазифалар кўриб чиқилди.

Қолаверса, маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш борасида "Маҳалла еттилиги" аъзолари ва мазкур маҳалладан сайланган депутатлар ўртасида доимий ҳамкорликни ўрнатиш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ўзаро ҳам-жиҳатлик ва бошқа муҳим масалалар юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

«МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ»

БИЛАН ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳудудларда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилаш, жойларда иш ўринлари яратиш, фуқароларни тадбиркорликка жалб этиш борасида "Маҳалла еттилиги" билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Жумладан, Сенат аъзоси Шермат Шамсиев Косон туманидаги "Мўлали" ҳамда "Бирдамлик" маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, "Маҳалла еттилиги" билан учрашувлар ўтказди.

Ана шу жараёнда сенатор "Маҳалла еттилиги"нинг ташаббускорлигини янада кучайтириш ҳамда ҳудуддаги эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойини яхшилашга ва ишсизларга иш топиш-

га кўмаклашиш, уюлмаган ёшларни спорт, мусика, илм-фан тўғралакларига, аёлларни тадбиркорлик, қасаначилик ва хунар-мандчиликка жалб қилиш борасида амалга ошираётган ишлар билан яқиндан танишди.

Шунингдек, солиқ базасини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини легаллаштиришга ҳамда ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтиш-

га кўмаклашиш, ёлғиз кекса, ногиронлиги бўлган ва бошқа муҳтожларга ижтимоий хизмат кўрсатиш, маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Сенатор инфратузилма билан боғлиқ муаммолар, хусусан, соғлиқни сақлаш, ички йўллар, ичимлик суви, электр энергия, газ таъминотини яхшилаш борасидаги ишлар ҳолатини ҳам кўздан кечирди.

Маҳаллалардаги ёлғиз кекса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳолидан ҳам хабар олинди.

«Халқ сўзи».

«Халқ сўзи».

УЮШҚОҚЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

БМТнинг жаҳон иқтисодий истиқболлари бўйича январь ойида эълон қилинган ҳисоботида халқаро савдонинг сустлашуви, меҳнат бозорининг ёмонлашуви, геосийёсий можораларнинг зиддиятли тус олиши ва ортим бораётган иқлим фалокатлари 2024 йилда глобал ўсишни секинлаштириши қайд этилган эди.

Нуктаи назар

Бугунги дунё манзарасига боқиб нуфузли халқаро ташкилотнинг ҳавотирдан жон борлиги, юқорида келтирилган омиллар, ҳатто мутарақий давлатларнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий ҳаётига кескин таъсир кўрсатаётганига гувоҳ бўляпмиз. 2030 йилга бориб 8 ярим миллиард кишига етиши кутилаётган сайёраимиз аҳолиси ишсизлик, озиқ-овқат хавфсизлиги, ичимлик суви танқислиги, энергетика инқирози, глобал иссиқ каби жиддий муаммолар билан тобора юзма-юз келмоқда.

Мана шундай мураккаб замонда мустақил тараққиёт йўлидан дадил кадам ташлаётган, сўнгги саккиз йилда ички ва ташқи сийёсати сифат жиҳатидан ўзгарган Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси айнан инсонпарварлик ва халқпарварлик ғоялари билан суғорилган халқаро жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 17 июль куни ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича биринчи ярим йиллик таҳлили ҳамда йил якунига қадар устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видео-селектор йиғилишида қайд этилган факт ва далиллар бунга яна бир қарра таъкидлайди. Хусусан, жорий йилнинг олти ойида ялпи ички маҳсулот 6,4 фоизга кўпайган. Умуман, йил бошидан буюн республикада яратилган қўшилган қиймат 567,4 трлн. сўм, яъни 45,1 млрд. долларлик мар-рани эгаллаган.

Илгари бундай рақамлар амалиётда кузатилмаган. Қутилган натижаларга эришилаётгани замирида, аввало, халқимизнинг фидокорона меҳнати, стратегиянинг тўғри танлангани, давлатимиз раҳбарининг ҳамма муҳим масалаларда аҳоли билан ба-маслаҳат иш юритиш механизларини яратиш бергани, давлат бошқаруви органларининг бир-бирини тушунган ҳолда ҳаракат қилиши, мақсад ва вазифалар аниқ белгиланаётгани турбиди.

Иқтисодиётда узоқ йиллар давомида бой бериб келинган имкониятларни ишга солиш, ислохотларнинг халқчиллигини таъминлаш ўз натижадорлигини кўрсатаётгани ҳамда буларнинг бари осон кечмаётгани ҳам ҳис қилиб турибмиз, албатта.

Айниқса, ижтимоий соҳада амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар олаб маҳаллаларни кўрсатқувчи кўнайдиган обод манзилларга айланатириш, аҳолининг бирламчи эҳтиёжи саналган боғча, мактаб, тиббий муассасаларни қуриш, йўл, сув, электр энергияси таъминотидаги муаммоларни бартараф этиш имконини бераётди. Маълумотга кўра ўтган ярим йилликда ушбу мақсадлар учун бюджетдан 31,5 трлн. сўм ажратилган.

Манзилли ижтимоий сийёсат учун интиладиган Халқ демократик партияси бундай сийёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўз ташкилотлари, мамлакатимизнинг барча ҳудудидagi депутатлик бирлашмалари билан бирга ислохотларнинг ижтимоий са-

марадорлиги учун астойдил интиломоқда.

Жамиятдаги фаровонлик ва ижтимоий барқарорликда уй-жой сийёсати муҳим роль ўйнайди. Айниқса, халқимиз учун муҳим бошланга эга бўлишининг аҳамияти беқиёс. Олти ой ичида 18 600 та янги хонадон фойдаланишга топширилган. 26 мингта оилага 7 трлн. сўмга яқин ипотека кредити ажратилган. Улар бўйича бошлангич тўлов ва фойзини қоплаш учун 545 млрд. сўм субсидия берилган. Бу далилларнинг ўзидек уй-жойга муҳтож қатламнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, одамларнинг бугунги кундан розилик ҳиссини оширишдек эзгу ният билан йўғрилган амалий ишларнинг кенг қамровини амалда кўрсатиб турибди.

Йиғилишда иқтисодий-ижтимоий соҳалардаги ютуқлардан ҳам кўра кўпроқ муаммоларга эътибор қаратилди. Галдаги режа ва вазифалар узил-кесил белгилаб олинди.

Улардан бири ва асосийси — аҳоли ўртасида бандликни ошириш, шу орқали камбағалликни қисқартириш билан боғлиқ бўлиб, айни масала вақт ўтгани сари долзарблашиб бораётгани сир эмас. Бинобарин, шу йил январь ҳолатига кўра Ўзбекистонда ишсизлар сони 1,3 млн. кишини ташкил этгани ҳолда йил охирига қадар меҳнат бозорига яна 2,4 млн. нафар ишга талабгор кириб келиши прогноз қилинган эди. Агар қарични каттарок олак, ишсизлик ва унинг ортдан соядай эргашувини қашшоқлик бугун дунё давлатларида ижтимоий барқарорликка таҳдид солиб турган муаммолардан ҳисобланмоқда. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълум қилишича, 2024 йилда ишга лаёқатли, бироқ ишсиз қолган инсонлар сони 400 миллиондан ортади.

Юртимизда бу муаммонинг оқилона ечимларини топиш минглаб ҳамюртларимизнинг доимий ишли

Ўрганиш

Яккасаройда
Дастурлар ижроси
назоратга олинди

Маълумки, Яккасарой туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли муаммоларини чуқур таҳлил қилиш ва бартараф этиш мақсадида Сенат аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, мутасадди вазирлик ва идоралар, Тошкент шаҳар ва Яккасарой туманлари ҳокимлиги масъулларидан иборат ишчи гуруҳ тuzилган бўлиб, бу борада кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда.

Яқинда Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси томонидан 2024 — 2026 йилларда Яккасарой туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолининг яшаш шароитини янада яхшилаш чора-тадбирлари бўйича тасдиқланган дастурлар ижроси бевосита ҳудудга чиққан ҳолда ўрганилди.

Ўрганиш жараёнида туманда дастурлар ижроси юзасидан қатор ишлар амалга оширилгани аниқланди.

Хусусан, саноат ва хизмат кўрсатиш йўналишларида умумий қиймати қарийб 213,7 млрд. сўмлик 6 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилиб, 260 дан зиёд иш ўринлари яратилган.

Эҳтиёжманд оилалар аъзолари бандлигини таъминлаш параметрлари доирасида 5 минг нафарга яқин ишсиз фуқаролар бандлиги таъминланган, 250 нафари касб-хунарга ўқитилиб, қайта тайёрланган.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар доирасида 128 млрд. сўмдан зиёд бюджет маблағлари ҳисобига 5 та мактабгача таълим ташкилоти, 5 та умумтаълим мактаби, 2 та соғлиқни сақлаш муассасаси биноларида қурилиш ҳамда реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда.

Ўрганишлар давомида сенаторлар томонидан дастурларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда мутасаддилар масъулиятини ошириш, аҳолига қулайликлар яратиш борасидаги ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича тавсиялар берилди ва улар Сенат кўмитаси назоратига олинди.

«Халқ сўзи».

Улуғбек ИНОУТОВ,
Олий Мажлис Кўнунчилик палатаси
Спикери ўринбосари,
ЎЗХДП фракцияси раҳбари.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА РИОЯ ЭТИШ ТАЪМИНЛАНАДИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Мухокамалар чоғида депутатлар асосий эътиборни инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш масалаларига қаратди.

Кичик қийматдаги харид учун соддалаштирилган тартиб жорий этилади

Мажлисида "Давлат харидлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига давлат харидлари тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

У билан давлат харидларида барқарорлик принципларини жорий этиш орқали давлат буюртмачиларига қўшимча имконият яратиш белгиланмоқда.

Бундан ташқари, суднинг қарорига кўра фирибгарлик, сохташтириш ва коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этганида айбдор, деб топилган иштирокчиларни автоматик тарзда Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритиш таъминланади.

Давлат буюртмачиси, заруратга кўра энг яхши таклифларни танлаш ёки тендер натижалари бўйича ҳадли келишув тузиш, янги харид тури ҳисобланган кичик қийматдаги харид учун соддалаштирилган тартибни жорий этиш ҳам қонун лойиҳасида ўз аксини топапти.

Депутатлар фикрича, қонун лойиҳаси давлат харидлари тизимида очиклик ва шаффоқлиқни таъминлаш, илгор хорижий давлатлар тажрибаси асосида давлат харидлари соҳасидаги харид қилиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш ҳамда давлат харидлари жараёнидаги таъбиркорлик субъектларини кенг жалб этишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Маҳаллий Кенгашларни депутатлар орасидан сайланадиган раис бошқаради

Мажлисида "Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ҳокимлар ҳамда маҳаллий Кенгашлар ваколатларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, қуйидагилар назарда тутилмоқда:

- маҳаллий Кенгашлар фаолиятига депутатлар орасидан сайланадиган раис бошқарилиши;
- халқ депутатлари Кенгаши раиси ўз вазифаларини бажариш даврида доимий ва бошқа комиссиялар, партия гуруҳлари таркибига кириши мумкин эмаслиги;
- кенгашлар йиғилишларида ҳоким номзоди кўриб чиқилаётганида номзод маҳаллий Кенгаш депутатларига ҳудудни ривожлантириш дастурини тақдим этиши шартлиги;
- маҳаллий Кенгаш ва ҳоким қабул қиладиган ҳужжатлар Ягона электрон тизимда (e-qanoq.gov.uz) рўйхатдан ўтказилиши ва тизимга жойлаштирилиши, рўйхатдан ўтказилмаган ҳужжатларнинг ҳақиқий эмас, деб ҳисобланиши белгиланмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Омбудсман ваколатлари кенгайтилди

Мажлисида депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

9 боб, 56 моддадан иборат маъмур қонун лойиҳасида Омбудсман институтига қўшимча кафолатлар бериш таклиф этилмоқда.

Шунингдек, Омбудсман фаолияти тўғрисидаги маъруза Олий Мажлис палаталарининг мажлисларида ҳар йили эшитилиши назарда тутилмоқда. Давлат органлари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларига рияз этилиши ҳолати тўғрисида Омбудсманнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис палаталарига ахборот тақдим этиш тартиби мустаҳкамланган.

Ноқонуний маърифий фаолиятга чек қўйилади

Мажлисида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маърифий фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан муҳофаза қилинди.

Таъкидланганидек, кейинги пайтларда аҳолининг турли қатламлари, айниқса, ёшлар ўртасида носоголом маърифий ишларни амалга ошириш кўпайиб, бундай тадбирларда омма ва ёшларнинг онгига, маданиятига бегона бўлган турли қарашлар, ёт гоялар ва ҳиссиётлар сингдирилмоқда. Гўёки, "маърифий" деб баҳоланган кўп сонли йиғинлар, учрашувлар, ўқув ва суҳбатлар махсус билим ва таърибага эга бўлмаган ҳамда асосий мақсади пул ишлаш бўлган сохта тренерлар, лекторлар томонидан амалга оширилмоқда. Бундай тадбирларда миллий манфаатларимизга зид тушунарлар тарғиб этилиб, тингловчилар онгини манипуляция қилиш ҳолатлари ортапти. Амалдаги қонунчиликда маъруза, тақдимот, семинар, махорат дарси, курс, лекция, марфрон ва давра суҳбати каби шаклларда амалга ошириладиган фаолият ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган.

Бу, ўз навбатида, қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Қонун лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилмоқда:

Биринчидан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги 59-модда билан тўлдирилиб, маърифий фаолиятни бундай фаолият билан шугулланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан кўрсатиш ёхуд маърифий фаолиятни амалга ошириш бўйича қонунчиликда белгиланган чекловларга рияз этмаслик ҳолатлари учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Иккинчидан, "Таълим тўғрисида"ги Қонун 141-модда билан тўлдирилиб, маъмур қўшимча ва ўзгартиришлар орқали ушбу соҳадаги фаолиятни амалга ошириш талаблари назарда тутилган. Жумладан:

- маърифий фаолият инсонни шахсий, интеллектуал ва маънавий ривожлантириш, ижтимоий ва иқтисодий фаолигини ошириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини намоён этиш, индивидуал салоҳияти, имкониятлари, коммуникатив қобилиятларини яхшилаш учун зарур кўникма ва малакани шакллантиришга қаратилган ҳамда давлат таълим стандартлари билан қамраб олинмайдиган фаолият тури ҳисобланиши белгиланмоқда;
- маърифий фаолиятнинг республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний ва юридик шахслар томонидан қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мумкинлиги кўзда тутилмоқда;
- маърифий фаолиятни амалга ошириш таъкидланган шахслар доираси белгиланмоқда;
- маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби, шакллари, уни амалга ошириш талаблари ва шартлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалардан сўнг ушбу ҳужжат депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Халқ таъбири: қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик белгиланаётди

Депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқил-

ган — "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Унга қўшимча таъбири соҳасида фаолият олиб бериш учун тегишли ҳуқуққа эга бўлмаган шахс томонидан фуқароларга тиббий таълим қўйиш ва даволаш хизматларини кўрсатиш, маъмур хизматларини омма олдига тарғиб қилиш, башарти жиноят аломатлари бўлмаса, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Халқ таъбири йўналишида руҳсат этилмаган усуллари қўлланган ҳолда фуқароларга тиббий таълим қўйиш ва уларни даволаш хизматларини моддий қимматликлар олиш ва мулкий манфаатдор бўлиш эвазига кўрсатиш, маъмур хизматларини омма олдига тарғиб қилиш, башарти жиноят аломатлари мавжуд бўлмаган, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу ҳуқуқбузарликлар маъмурий

Масъул қўмида, ишчи гуруҳ йиғилишларида қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан депутатлар, жамоатчилик томонидан билдирилган фикр ва таклифлар атрофича ўрганилиб, уларнинг ақсарияти қонун лойиҳасида ўз аксини топди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси билан аҳолига психологик ёрдам кўрсатишнинг асосий принциплари, вазифалари, турлари, шакллари, стандартлари аниқ белгиланмоқда. Шунингдек, психологик ёрдам кўрсатиш соҳаси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бепул психологик ёрдам кўрсатиладиган шахслар тоифалари, таълим ташкилотларида психологик ёрдам кўрсатиш, ушбу соҳада тадқиқот ва илмий таҳрибалар ўтказиш масалалари, психологик ёрдам кўрсатишнинг рад этиш ёки тўхтатиш асослари назарда тутилмоқда. Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги профессор-ассоциациялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилган.

Шу билан бирга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс психологик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёхуд аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш бўйича қонунларда белгиланган чекловларга рияз этмаган ҳолда психологик ёрдам кўрсатилган учун жавобгарлигини белгилловчи алоҳида модда билан тўлдирилмоқда.

Мажлисида таъкидланганидек, фуқаро-

ҳуқуқ ва манфаатларига зиён етказишининг олдини олишга, мамлакатимизнинг халқро рейтинглардаги макени янада оширишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Гаров хати онлайн тартибда расмийлаштирилади

Мажлисида "Ипотека кредити бозорининг ривожлантирилиши ва кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида қўшимча маблағларни жалб қилиш усулларидан бири — бу ипотека шартномалари бўйича берилган гаров хатларини таъминот сифатида ишлатиш, молия институтларидан қарз маблағларини жалб қилиш ҳисобланади.

Лойиҳада "Ипотека тўғрисида"ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали гаров хатини расмийлаштириш, рўйхатдан ўтказиш, унинг айланмас тартибини ва тегишли равишда ипотекани қайта молиялаш жараёни соддалаштирилмоқда.

Таъкидланганидек, бугунги кунда рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан гаров хатини расмийлаштириш пайтида томонларнинг иштирок этиши, шунингдек ариза берувчиларнинг рўйхатдан ўтказувчи органга (кадастр) тўғридан-тўғри муносабат қилиши гаров қилинади. Бу эса берилмаган гаров хатлари сонини кўпайтириш ҳолларда жиддий қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Ушбу қонун лойиҳаси билан гаров хатини онлайн тартибда ёки давлат хизматлари марказларига бориш орқали расмийлаштириш белгиланмоқда. Шунингдек, электрон гаров хатининг концепцияси жорий этилмоқда. Бу, ўз навбатида, харажатларни камайтириш ва вақтни тежаш имконини беради.

Бундан ташқари, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари томонидан облигациялар чакрилиш орқали Капитал бозоридан янада кўпроқ маблағларни жалб этиш механизминини жорий қилиш ҳам назарда тутилмоқда.

Мухоама давомида депутатлар қонун лойиҳасидаги нормаларга ўз муносабатларини билдириб, уларни такомиллаштириш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар бердилар.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Ер қаъри бойликларидан фойдаланиш қай тартибда бўлади?

Мажлисида "Ер қаъри тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи тўғридан-тўғри амал қилувчи нормалар назарда тутилмоқда. Шу асосда лойиҳада фойдаланиш қазилмаларининг таснифи янада аниқлаштирилмоқда. Шунингдек, ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи учун руҳсатномаларни бериш, ҳисоботларни қабул қилиш ва бошқа соҳадаги давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида "ағона дарча" принципи жорий қилинган. Инвестиция жозибдорлигини кескин ошириш мақсадида давлат органи назорати остида ер қаъридан фойдаланиш руҳсатномасини лицензиат томонидан таъсир қилиш (сотиб, гаровга қўйиш ёки бошқа шахсларга ўтказиш) механизми таътиб қилинмоқда.

Шу билан бирга, геологик ахборотга бўлган мулк ҳуқуқи, инвесторлар томонидан уни алмашиш ва реализация қилиш нормалари такомиллаштирилган. Ер қаъридан фойдаланиш шарт-шароитлари бўйича баъзи фойдали қазилмаларнинг ўзига ҳок хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда углеводородлар йўналиши кескин қучайтирилиб, халқаро амалиётдаги замонавий нормалар билан тўлдирилмоқда.

Углеводородлар рекогносцировкаси, геологик жиҳатдан ўрганиш ва қазиб олишнинг нормалари алоҳида моддаларда акс эттириляпти. Ҳаран қазиб олиш ва шу билан боғлиқ жараёнда радиациявий хавфсизлик, шунингдек, Халқаро атом энергетикаси агентлиги талаблари билан боғлиқ ҳолда қўшимча талаблар белгиланмоқда.

Бундан ташқари, норуда қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш ва қазиб олиш руҳсатномалар расмийлаштиришнинг аниқ тартиби ҳамда руҳсатномаларга эга ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланиб, даврий ва яқиний ҳисоботларни тақдим этиш, қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш ҳамда қазиб олишнинг йиллик минимал харажатлари назарда тутилган.

Мажлисида лойиҳада экология ва атропо-муҳитни келгусида кафолатли асраш мақсадида ер қаъридан фойдаланишда экологик хавфсизликни таъминлашнинг қоидалари акс этаётгани қайд этилди.

Фикр-мулоҳазалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.



Янгиланаётган Ўзбекистон:

ИСЛОҲОТЛАР



ЭНГ КЎРКАМ ВА ОБОД МАСКАН

Нигаргул ГОБЕНОВА,
«Алтин жағис» МФЙ раиси
(Қорақалпоғистон
Республикаси):

— Одатдагидек ишонамга келаётсам, кўча бошидаги болалар богчасига невараларини топириб чиқаётган онахонлар суҳбати эътиборимни тортди. Улар Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташрифи қутилаётгани, давлат раҳбарининг ҳар бир ташрифи улкан бунёдкорлик ва янгиланишларга замин яратишини фахр билан сўзлашарди.

Янги қурилган замонавий йўлақдан маҳалла фуқаролар йиғинига борарканман, беихтиёр унинг олдинги қиёфаси кўз ўнгимда гавдаланди. Маҳалламиз Нукус шаҳрининг энг чекка ҳудудларидан бўлиб, транспорт, коммуникация тармоқлари тўлиқ тортилмаган эди. 2021 йилда ҳам маҳаллагача йўналишли транспорт қатнови йўлга қўйилмаган. Йўлларнинг ёзда чанг, қишда лойлигидан такси ҳайдовчилари ҳам маҳалламизга боришни кўп ҳам хушламасди. Президентимизнинг 2022 йилда



Қорақалпоғистонга сафаридан кейин «Алтин жағис» маҳалласи «Обод маҳалла» давлат дастурига киритилди. Йўллар, электр энергияси, ичимлик суви ҳамда газ тармоқлари янгидан тортилиб таъмирланди. Эътиборлиси, маҳалламиз кўчаларига қум-шағал аралашмаси тўшалиб, ўнлаб кўчалар обод бўлди. Тўрт манзилда болалар майдончаси, фуқаролар йиғини биноси янгидан қуриб битказилди.

Ўтган йили Президентнинг маҳалла-

мизга ташрифини маҳалладошлар, жумладан, ўзим ҳам ҳаяжон билан эсламан. Ушанда давлатимиз раҳбари мендан маҳаллага 500 миллион сўмдан кўшимча маблағ ажратилиши ва уни нималарга сарфлашимиз ҳақида сўраганди. Шу маблағ эвазига аҳоли хонадонларидаги томорқаларга оқар сув тармоқларини тортиб, маҳалламизни яшил маконга айлантириш ниятим борлигини айтгандим. Ҳозирги кунда асосий қувурлар таъмирланиб, ундан томорқаларга сув тортилди. Каналдан сув чиқарувчи насос агрегати, трансформатор ўрнатилди. Яқин кунларда охириги монтаж ва электр энергиясига улаш ишлари аяқланиб, маҳалла хонадонларининг томорқаларига канал сувлари етказилди. Маҳалламиз ёшлари шуғулланадиган замонавий Болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Қисқача айтганда, ҳозирга келиб «Алтин жағис» маҳалласи олиб бориладиган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида Нукусдаги энг кўркам ва обод масканга айланди.

ХОНАДОНИМИЗГА ҚУТ-БАРАКА КЕЛДИ

Собиржон МАТЧОНОВ,
меҳнат фахрийси (Хоразм вилояти):

— Мен меҳнат фахрийсиман. Бугунги янгиланаётган, янги қиёфа касб этаётган жонажон юртимизда кечаётган қайноқ жараёнларни телевизордан кузатиб бораман, қалбим беихтиёр фахру ифтихорга тўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда Хоразмга сафари чоғида қутилмаганда хонадонимизга ташриф буюрди. Бу ташриф оиламиз, маҳалламиз учун ажойиб тўхфа бўлди. Суҳбат чоғида Юртбошимизнинг куйинчаклик ва алоҳида меҳр билан айтган гаплари ҳали ҳамон қулоқларим остида жаранглаб турибди. Ўзим кишлоқ ҳўжалиги илминини яхши биламан. Мўъжазгина томорқада иссиқхона қуриб, қулупнай етиштирамиз. Уй шароитида балиқчиликни йўлга қўйганмиз. Парвариш қилаётган парранда — юздан ортиқ товуқ, мингга яқин бедана оиламизга қўшимча даромад келтиради. Давлатимиз раҳбари томорқадан ҳар бир оила фойдаланиши, камтарона тажрибамизни бошқа хонадонларда ҳам омаллаштириш мумкинлигини айтгани ишимизни янада кенгайтиришга туртки берди.

Шундан сўнг маҳалладагилар келиб томорқамиздаги ишлар билан танишди. Уларни ҳам деҳқончиликни бошлади. Сир эмаски, бир пайтлар шу кўшчилар билан гектарлаб пахта экдик, лекин қосамиз оқармади. Фарзандларимиз билан чилланинг иссиғида қовжираб, қишнинг аёзидида қалтираб далага борардик. Ҳозир томорқадаги иссиқхонада етиштирган ҳосилнинг эгаси ҳам ўзимиз.

Хонадонимизга Юртбошимизнинг қадами қутлуг келиб, махсулотларимизни сотишдан тушган маблағларни тўлаб, Урганчдан 3 хонали уй олдик. Энди тадбиркорлик фаолиятимизни кенгайтириб, қўзиқорин етиштиришни йўлга қўймоқчимиз.



ҲАҚИҚИЙ ҒАЛАБАНИНГ МОҲИЯТИ

Музаффарбек ТЎРАБОВЕВ,
дзюдо бўйича жаҳон ва Осиё
чемпиони (Сурхондарё вилояти):

— Мусобақа шохсупасига кўтарилганимда, ўзимга ўзим: «Бўлди, бу гал ўзимни ушлаيمان, йиғламайман», дейману, қайда, барибир кўзёшларимни тия олмайман. Давлатимиз мадҳияси оҳангида ажиб сеҳр бор. Бошим узра юрт байроғи кўтарилиб, мадҳия янграган лаҳзада, аввало, ота-онамнинг дуосини ҳис этаман. Миллионлаб ҳамюртларимнинг олқишлаётгани, астойдил ғалаба тилашаётгани, айниқса, давлатимиз раҳбарининг ишончи ва умиди менга катта куч бағишлайди. Энди, айтинг-чи, шундай паллада кўздаги ёшларни жиловлаб бўлармиди?!

Халқро майдондаги илк ютуғим 2022 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича жаҳон чемпионатида — 100 кг. вазн тоифасида олтин медални қўлга киритганим бўлди. Шу лаҳзада видеоселектор йиғилишида Президентимиз олтин медалга сазовор бўлганим ҳақида



хабар олган. Давлатимиз раҳбари ушбу янгиланган қувоним, шундай катта, муҳим мажлисда бутун халқимизни ғалаба билан табриклагани ҳаётимда унутилмас воқеа бўлди. Ушанда юрт байроғи бошқа байроқлардан баландроқ кўтарилишининг қийматини, ҳақиқий ғалабанинг моҳиятини теран ҳис қилдим.

«Ханчюу — 2022» Осиё ўйинлари чемпиони бўлдим. 2023 йил Венгриянинг Будапешт шаҳри мезбонлик қилган Мастерс турнирида зафар қучдим. Ҳарбийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритдим. Шу йил

Гонконгга ўтган Осиё чемпионатида яна биринчи бўлдим.

Болалигимдан спорт билан шуғулланаман. Томиримда полвонлар қони бор. Ота-боболаримиз ор учун майдонга тушган. Биринчи устозим — отам. Биз, полвонлар соврин учун даврага тушмаймиз, бизни фақат бир нарса — номус қизиқтиради, дейди ҳар гал отам.

Спортчининг муваффақиятга эришишида биргина жисмоний имконият камлик қилади. У руҳий жиҳатдан ҳам кучли бўлиши керак. Устозларим мусобақаларга астойдил тайёрлашади, жисмоний имкониятларимни кенгайтиради, маҳоратимни оширади. Ота-онам дуоси, халқимизнинг олқишлари, Юртбошимизнинг эътибор ва ғамхўрлиги, ишончи кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшади. Ғалаба сари етаклайдиган асосий қуrolим ҳам шу. Олдида катта имтиҳон турибди. Парижда бўлиб ўтадиган ёзги Олимпия ўйинларида ҳам юртимиз байроғини юксакка кўтаришни мақсад қилганман.

ГЎЗАЛЛИК ЯРАТАЁТГАН МЎЪЖИЗА

Сабоҳат НУРИДИНОВА,
«Хусанбой Фирдавс гуллари» масъуляти
чекланган жамияти оилавий гулчиси
(Наманган вилояти):



— Наманган ўзининг гулсевар инсонлари, яшнаган чаманзорлари билан доврўқ қозонган. Бундан олтимиш уч йил аввал кичикки-на кўрғазма сифатида намоиш этилган гул сайли йиллар ўтиб, авлодлар кўз ўнгидида сайқал топди, юртимиз қадриятларидан бирига айланди.

Кейинги йилларда кўрсатилётган эътибор туфайли соҳа оддий ҳаваскорликдан профессионал касб даражасига кўтарилди. Аввалига бу юмуш билан ҳар ким ўз холича шуғулланган бўлса, эндиликда у сановатлашди. Бир неча юзлаб ҳамкасбларимизни жамлаган гулчилар ассоциацияси ҳар ишимизда кўмакчи. Жойларда ихтисослаштирилган кластерлар фаолияти йўлга қўйилди. Улардан бири бизнинг Наврўз маҳалламизда ташкил этилган.

Биз, 120 нафар гулчи кўчатларни маҳаллийлаштириш, парвариш, сотиш, минерал ўғитлар таъминотида унинг ёрдамидан тўлиқ фойдаланамиз. Ўзимга келадиган бўлса, оиламиз билан ҳовлимиздаги ва даладаги учта иссиқхонада мавсум давомида уч юз минг тупга яқин гул етиштирамиз. Асосий даромадимиз шундан. Йилига ҳар бир хонадонга 150 — 200 миллион сўм соф фойда кириб борапти. Яна бир муҳим жиҳати, яқин вақтга қадар бир қатор гул кўчатлари хориждан олиб келиб кўпайтирилган бўлса, эндиликда уларни ўзимиз экспорт қиляпмиз.

Шу ўринда соҳа ривожини, унинг меҳнаткашлари эришаётган натижалар аънавий гуллар байрамида бутун халқ кўз ўнгидида намоён бўлаётганини таъкидлашни истардим. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2018 йилда халқаро фестивал мақомини олган анжуман ҳар йили баҳорда дунёнинг турли бурчакларидаги ихтисосландирган нафосат сайлуга чорлаб келмоқда. Бу йилгиси, айниқса, кенг қамрови билан янада файзли ўтди.

Қирқ кун давом этган сайилга 6 миллиондан кўпроқ инсон келди. Уларнинг 200 мингдан ортиғи 60 га яқин давлатлардан келган сайёҳлар экан. Мана, гўзалликка ташналик, гулларнинг жозибали мўъжизаси!

Муҳими, шаҳримиз аҳлининг меҳмондўстлиги, ўзи севган касбга садоқатига хориждан келганлар ҳам тан берапти. Буларни кўриб, кўнгиллари шодланяратидиган, дилларга қувонч бағишлайдиган шу нафосатли касбини танлаганимдан фахрланиб кетаман.

ВАТАН ИЧРА ВАТАН — МАҲАЛЛА

Соҳиба ЙЎЛЧИЕВА,
Бағдод туманидаги
Юксалиш маҳалласи
фаоли (Фарғона
вилояти):

— Ватанга муҳаббат, ҳаётбахш ислохотларга дахлдорлик ҳисси маҳалладан бошланади. Маҳалла фаолиятини самарали юритиш учун янги тизим яратилди. Бу борада жорий этилган «ёшлар дафтари», «аёллар дафтари», «темир дафтар» каби тизимларни алоҳида эътироф этиш зарур. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ана шу тизим асосида ўз оиласи фаровонлигини оширяпти, ўз қорхоналарини ташкил қилиб, иш берувчиларга айланишаётди.

Маҳалламизда ҳозир 3 300 га яқин аҳоли истиқомат қилади. Бир пайтлар ўзим маҳалла фаоли сифатида кам таъминланган оилалар рўйхатини шакллантирганман. Ишсизлик, камбағалликдан кўзлари жавдираб турган оилалар ҳамон кўз ўнгимда. Қисқа вақтда хунармандчилик, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш маҳалла драйверига айланди. Айни пайтда ёғоч ўймакорлиги, темирчилик ва каштачилик билан шуғулланаётган оилалар сафи кенгайиб бормоқда.



Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида 22 та истиқболли лойиҳага 240 миллион сўм банк кредити ажратилди.

Тадбиркор Гулнора Усмонова ташаббуси билан «Гулнора Матқулбод бодомлари» қорхонаси томонидан ҳудуддаги 500 дан зиёд оилалар касаначилик асосида ишга жалб этилди. Бир кунда 3 тоннагача махсулот қайта ишланиб, бутун мамлакатимиз бўйлаб етказиб берилмоқда. Эътибор ва рағбат туфайли маҳалламиз ўз-ўзини бошқариш институти сифатида юксак мавқега эга бўлди. Айни пайтда маҳалламиз бюджетидида 83 миллион сўм маблағ бор. Бу маблағ эвазига инфратузилма хизматлари сифатини ошириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш бўйича амалий ишлар қилинмоқда.



ШУКРОНАЛИК БИЛАН ЯШАШ — САОДАТ

Ҳикматулла ХОЛИҚ,
пенсияер (Сирдарё вилояти):

— Олаётган нафасинг қийматини қадрини соғлигининг йўқотганинда янада теран англайсан киши. Айниқса, умрининг пасту баланди, ташвишлию ташвишсиз довлонларидан ўтиб бўлгач, энди хотиржамликка эришаман, оилам, бола-чақам, набира ва эваралар ардоғида хузурлини ўтираман деганинда хасталаниб қолишдан ёмони йўқ экан.

Бундан бир неча ой муқаддам юрак қон-томирлари билан боғлиқ жиддий хасталикка йўлиқдим. Шифокорлар ташхисдан сўнг, тезда даволанмаса, бу салбий оқибатларга олиб келишини, аммо жарроҳлик амалиёти катта маблағ талаб қилишини айтишди. Бошимиз

қотди. Шу хасталик билан оғриб, даволанган беморлардан маслаҳат сўрадик. Охири тажрибали ходимлар фаолият юритувчи, халқимизга беминнат хизмат кўрсатаётган Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сирдарё вилояти филиалига келдик. Бу ерда шароитимизни тушуниб, бизга давлатдан ордер олиш маслаҳатини беришди. Тегишли муассасага бориб, рўйхатга ёзилдик. Навбатим келганида муваффақиятли операция қилиндим, кўп ўтмай оёққа турдим.

Очиги, даволанишда давлатнинг кўмағи ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмагандим. Буни халқимизга, тиббиёт соҳасига қаратилаётган эътиборнинг юксак ифодаси деб биламан. Бу ғамхўрлик-

дан бугун ижтимоий ҳимояга муҳтож кўпга юртдошларимиз беминнат фойдаланмоқда. Узоғи яқин, оғири энгил бўлмоқда. Инсон қадрни дегани, аслида, шу-да.

Чиндан-да, мамлакатимиз тиббиёти анча ўсди. Буни ҳатто энг мураккаб операциялар фақат марказий шаҳарларда эмас, чекка туман шифохоналарида ҳам амалга оширилаётгани мисолида кўряпмиз. Бир пайтлар юртдошларимиз дардига даво излаб шаҳарма-шаҳар, юртма-юрт сарсонун саргардон бўлиб юрган бўлса, бугун шундоқ уйдан йироқ бўлмаган шифохонага мурожаат қилиб, кўли энгил фидойилар хизмати билан яна соғлом ҳаётга қайтмоқда. Бундай имкониятлар давлатимиз раҳбари та-



шаббуси ва тақлифлари асосида рўй бераётгани одамни қувонтиради. Мана шундай дориламон, соғ-саломат, тотув кунларда қалбимизда эзгу орзу-ният, ҳаёлимизда фақат яхшиликлар, тилимизда шукроналик билан яшаш саодатимиздир.

ЮРТДОШЛАРИМИЗ ТАФАККУРИНИ, ҲАЁТ ТАРЗИНИ ЮКСАЛТИРМОҚДА

ХОТИРЖАМ ҚАЛБДА ИСТИҚБОЛЛИ ҒОЯЛАР ЖЎШ УРАДИ

Нуриддин ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси қадоқловчиси (Анджон вилояти):



— Авваллари Россияга меҳнат муҳожирлиги сифатида бориб келардим. Шу тахлит ўн йил ишладим ва ўша вақтлар она Ватаним бағрида, оилам билан тинч-тотув бахтли яшашни орзу қилардим. Бу истак билан яшаётган кезларим маҳалламиз "Телеграм" гуруҳига танишларим орқали қўшилиб қолдим. Гуруҳда Ўзбекистонда ҳам янги иш ўринлари мавжудлиги, ёшларга янги имкониятлар яратилаётгани тўғрисида ёшлар етакчилиги айтиб қолди. Бу мен учун жуда яхши имконият эди.

Зудлик билан маҳалламиздаги ёшлар етакчилиги билан боғландим. У киши раҳбарлиги билан ўрашди-қўшиб қўйди ва менга 15 сотих унумдор ер ажратилди. Шунда доимий иш кераклигини, юртим ривожини учун бор кучимни сарфлашга бел боғлаганимни билдирдим ва бу истагимни инобатга олиб, Ўзбекистон — Хитой цемент заводида ишга юборилди.

Хозирги кунда томорқада картошка етиштириб, бозорга чиқараман. Ернинг ўзидан биринчи экингда 6-7 миллион сўм атрофида даромад бор. Иккинчи экинга ширин жўхори қаламчаларини етиштиряпмиз, ундан ҳам яхшигина ҳосил олиш умидидамиз. Цемент заводидаги доимий иш жойимга тўхталас, бу ерда қадоқловчи ходим вазифасида фаолият юритаман.

Бугун Ватанимда чет элда топган пулимдан ҳам кўпроқ даромадга эгаман. Асосийси, кўнглим хотиржам. Ҳа, айтганча, яқинда шахсий автомобиль сотиб олдим. Ютуқларимнинг барчасига Ўзбекистонимда меҳнат қилиб, ҳалол пешона тери эвазига эришмоқдаман. Бундай тўқши шароитларда эса ишлаган сари ишлагинг келади.

Чет элда юрган тенгдошларимга ҳам Ватанга қайтиб, ота-онасининг бағрида эмин-эркин меҳнат қилиб яшаш зарурлигини айтган бўлардим. Мусофирликнинг захматларини тўтган бир ёш сифатида ҳеч бир тенгдошимнинг хорижда азобларга учрашини хоҳламайман.



ҲАМЖИҲАТЛИК БОР ЖОЙДА РИВОЖЛАНИШ БАРҚАРОР

Ахшгаул ТУЛЕГЕНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати (Навоий вилояти):



— 2016 йили биринчи марта "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган сўзларни эшитдик. Кўп ўтмай ҳудудларда "Халқ қабулхоналари", Президентнинг виртуал қабулхонаси ташкил этилиб,

одамлар йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларига улардан ечим топа бошладим. Айниқса, оқим овулларга шодлик қайтди. Масалан, Учқудуқнинг оқим Жузқудуғида 40 ўринли таълим муассасаси қурилиши ушбу овул аҳлига катта туҳфа бўлди. Қизилтепа, Навбахор ва Карманандан ўқитувчилар, шифокорлар чўл ҳудудларига турли имтиёз билан сафарбар этилди. 2017 йилда давлатимиз раҳбарли қарорига асосан Навоий вилоятининг Томди, Конимех, Учқудуқ тумани мактаб битирувчилари имтиёзли асосда олий ўқув юртига қабул қилиниши жорий этилди. Айниқса, Президентимизнинг Томди туманига ташрифи ва бундан аҳоли тўйган мамнуниятини оддий сўзлар билан ифодалаш мушкул. Ахир мамлакат раҳбари билан мулоқотни улар узоқ йиллар интизор куттишган эди-да.

Уша тарихий ташрифдан сўнг ҳудудда одамлар қалбига бугунидан розилик, эртанги кунга мустақам ишонч ҳисси пайдо бўлди. Туманда маънавият ва маърифат марказлари, янги кутубхоналар, сузиш ҳавзалари, Давлат хизматлари маркази, замонавий кўринишдаги мактаблар, нурунийлар масканлари, кўп қаватли тураржойлар, кенг ва ёруғ кўчалар қурилди. Катта-кичик корхоналар, тикув цехлари, янги конлар, қайта ишлаш заводлари ишга тушди. Сидқидилдан қилинган меҳнат муносиб рағбатлантирилиб, юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан тақдирланмоқда. Жумладан, менинг таълим фахрийиси ва жамоат фаоли сифатидаги меҳнатим эътироф этилиб, 2018 йил "Меҳнат шухрати", ўтган йили эса "Эл-юрт хурмати" ордени билан тақдирландим. 2019 йили 40-Зарфаро сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайландим.

Кези келганда таъкидлаш зарур, туманда қозоқ ва бошқа миллатлар вакиллари кўпчиликти ташкил этади. Қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатларнинг тикланиши ва янги поғонага кўтарилиши борди-келдидаги узоқ йиллик муаммоларга барҳам берди. Одамлар бугун миллатлараро тотувиқдан ниҳоятда мамнун. Зеро, осойишталик, ҳамжихатлик бор жойда юксалиш, ривожланиш барқарор бўлади.



ОРЗУЛАРИМИНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИДАМАН

Барно НАРЗУЛЛАЕВА,
якка тартибдаги тадбиркор (Жиззах вилояти):



— Дунёга келганимда ота-онамининг қувончи чексиз бўлган. Бироқ бу узоққа чўзилмаган, деб ўйлайман. Чунки шифокорлар менга тугма фаляжлик ташхисини қўйган. 5-синфимда бутунлай юрولмай қолдим. Биринчи гуруҳ ногирони сифатида уйда ўқишни давом эттирдим. Бу орада хунармандчиликнинг беэз санъатини ўзлаштирдим.

2017 йили мактабни тугатган, якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият бошладим. Хунармандлар уюшмасига аъзо бўлиб, "Устоз — шоғирд" аънъанаси асосида қизларга миниатюра, сопол лаганга тасвирлар тушириш бораосида сабоқ бердим. Қисқа муддатда 50 нафар шоғирд тайёрладим. Фаолиятимни бошлаш учун олган 33 млн. сўмлик имтиёзли кредитдан мақсадли фойдаландим. Хусусан, 7 нафар фуқаро иш билан таъминланди, уларнинг 5 нафари имконияти чекланган инсонлар. Шоғирдларим тайёрлаётган маҳсулотлар ҳам харидорини топмоқда.

Бугун юртимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати туфайли имконияти чекланган инсонларга чексиз шароитлар яратилмоқда. Кўнглимда улкан орзу-мақсадлар бисёр. Улардан бири замонавий инклюзив хунар мактабни ташкил этиш эди. Омадни қарангки, 2024 йил 9 апрелда Жиззах вилоятида Президентимиз Шавкат Мирзиёев

билан учрашиб, ўз режаларим ҳақида гапирдим. Тақлифимни инобатга олиб, тегишли идораларга топшириқ берганда кўзларимдан севинч ёшлари оқди. Давлатимиз раҳбарли топишириқига бинаман Жиззах шаҳрида 100 ўринга мўлжалланган хунар мактаби қуриш ишлари давом этмоқда.

Хунар мактабига асосан беэзали буюмлар ясаш, қуллоқчилик, миллий тақинчоқлар, ёғоч ўймакорлиги, оёқ кийимлар тўқиш, миниатюра, тасвирий санъат каби 7 та йўналиш очилди. Шунингдек, мактабнинг ётоқхонаси ҳам барпо этилди. Қўшимча тарзда мусиқа санъати, компьютер саводхонлиги, психология ва кутубхона фаолиятини йўлга қўйишни режалаштирганмиз. Аслида, ҳаёт ҳаракат ва меҳнатлардан иборат. Ундан қочмаган инсон, албатта, кун келиб юксак натижаларга эришиши, шубҳасиз. Айниқса, сизни мамлакат, халқ ва яқинларингиз қўлаб турса. Мен ҳам орзуларимнинг ойдин йўлидаман ва ҳеч қачон ортага чекинмайман.

ЯРИМ СОАТЛИК МАНЗИЛГА КУНЛАБ ЙЎЛ БОСАРДИК

Ҳасан АБДУВОҲИДОВ,
меҳнат фахрийси (Сирдарё вилояти):

— Ким билади дейсиз, яна 20 — 30 йилдан сўнг бу сўзларни ўқиб, кўп ёшлар ажабланиб, аммо нақадар таажубланарли бўлмасин, буларнинг бари яқин-яқинда ўз кўзимиз билан кўрган ҳақиқат. Гап шундаки, бир неча йиллар муқаддам Тожикистон Республикасидаги отамакон қишлоғимга бориб, қариндошлар билан дийдорлашишга бир неча кунлаб, ҳатто ойлаб вақтим кетарди. Ҳолбуки, у ерда қичқирган ҳўрознинг овози Ўзбекистондаги унга туташ қишлоқларда ҳам эшитилар, яъни бораб жойим яшаш манзилимдан бор-йўғи ярим соатлик масофада жойлашганди. Яна бориш-келишга руҳсатини расмийлаштиришнинг ўзига юзлаб километр масофа босилар ва ўнлаб кун вақт кетарди.

Масалан, мен Сирдарё вилояти ИИБ хорижга кириш-чиқиш бўлимидан икки йиллик руҳсатнома, кейин Тожикистон

Республикаси элчихонасидан уч ойлик муддатга визани бир ой ичйда олиб, Ўзбекистоннинг Бекобод шаҳри яқинидаги чегара пости томон йўл олар эдим. У ердан Тожикистоннинг бир неча туманлари орқали Логин қишлоғига ота-онам ва қариндошларимни кўришга борадим. Уша йилларда Янгиер шаҳридан Логин қишлоғига бориш учун қамада 6-7 соат вақт сарфланар эди. Чунки бу йўл яшаш жойимдан манзил томон деярли айлана чиқиқда босиб ўтилар, натижада масофани бир неча баравар узоқлаштириб юборарди. Боз устига чегарадан ўтишга соатлаб навбат кутилар эди. Бир гал "Тошкент — Душанбе" самолётида учиб, у ердан Шаҳристон домини орқали орта қолган отамаконимга юзлаб километр йўл босиб келганим эсимда.

Шўқри, икки давлатнинг чегара-ўтказиш постларида бугун бутунлай ўзгача манзара. Энди бориш-келишга ортиқча расмиятчилик овозагарчиликлардан асар ҳам йўқ. Икки давлат остонасига қадам



қўётганлар борки, улар очик чеҳра, хушмуомала ва илиқ муносабат билан кутиб олинаётди. Қардош, қондош, қариндош икки халқнинг ўзаро борди-келдиси дунё ҳавас қилгулик даражага етди.

Кексайган, турғилиб ўсган жойингни тез-тез қўмас экансан, киши. Логинни соғиндимми, истаган куним йўлга тушаман. Чунки энди бориш-келишда муаммо йўқ. Мана шундай имконият ва қулайлик яратиб берган икки давлат раҳбарларига миннатдорлик билдираман.

ХОРИЖДА ИШ ИЗЛОВЧИ ЭДИМ, ЮРТИМДА ИШ БЕРУВЧИГА АЙЛАНДИМ

Рўзимухаммад МАШРАПОВ,
тадбиркор (Фарғона вилояти):

— Йилгит бошим 13 йиллик мусофирчиликда не-не кўнларни кўрмади, дейсиз. Хорижда юрганда оилам турли ижтимоий дафтарлар рўйхатида киритилган, маҳаллий ҳокимлик идоралари томонидан моддий ёрдам кўрсатиб келинган экан. Аммо доимий даромад манбаи бўлмас, барибир норчиликдан қутулишнинг имкони бўлмайд.

"Сўфилар" МФЙ "еттилик" олис юрда, оиламдан йироқда меҳнат қилаётган кезларимда юртимизда ҳам ишлаб яшиш даромад қилишга шароит етарли эканига мени ишонтирди. Натижада қалрдон оилам бағрига қайтиб, аввалига ўз маблағим ҳисобига пеноблок гишт ишлаб чиқариш ускуналарини сотиб олдим. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаб, ўғлим ва икки нафар қўшнимни ҳам бу ишга жалб қилдим.

Энг асосийси, Ватанимизда, оилам бағрида бўлиб ишлаш катта бахт эканини ҳис этдим. Мусофирчиликда меҳнат қилиб топган пулимдан кўра ўз маҳалламда тадбиркорлик фаолиятимдан келган пул баракали экан.

Хозирда пеноблок гиштларни етказиб бериш бўйича маҳалладошлар ва қўшни ҳудудларда кўлаб бюртумлар тушмоқда. Бундан ташқари, икки бозор-



га ҳам маҳсулот етказиб беришни йўлга қўйганимиз учун даромад салмоғи янада кўпайиб бораётди.

Яқинда уйимизга келиб тадбиркорлик фаолиятимизни ўрганган "маҳалла еттилик" имтиёзли кредит олишни тавсия қилди. Бу маблағ эвазига ишлаб чиқариш қўламни кенгайтириш, қўшимча иш ўрни яратиш орқали ўзим каби олис юртлардан қайтган ва турли ижтимоий дафтарларга киритилган маҳалладошларни иш билан таъминлашни мақсад қилдим.

Бу ишларнинг ҳаммаси, албатта, юртимизда амалга оширилаётган халқаровар ташаббуслар, саяё-ҳаракатлар, Юртбошимизнинг қўлаб-қувватлови натижасида рўй бермоқда. Ишончли комилки, мана шундай амалий ва савобли ишлар туфайли юртимиз янада обод ва фаровон бўлади.

ХОНАДОНДАН — ЭКСПОРТГА

Одина МАДАМИНОВА,
касанаچی (Наманган вилояти):

— Одатда уй бекалари, айниқса, мутахассислиги бўлмаган хотин-қизларни ишлаб чиқариш корхоналари ёки бошқа муқим меҳнат ўринлари билан банд қилиш ҳақида охири-чавермайди. Боиси, қўнчилиги уй юмуши, бола тарбияси билан овора. Лекин ишлаб пул тоғиси, рўзғорига барака киритгиси келади. Бу тоифадаги аёлларни ижтимоий фойдали меҳнатга тортишда касаначилик энг яхши усулга айлангани амалда ўз исботини топмоқда.

Ўзим ҳам бир неча йил аввал уйда ўтириб, кашта тикиш орқали маблағ топишга киришгандим. Бора-бора ёнимга маҳалладошларим қўшилди. Уларнинг аксарияти чопон, нимча, костюм тикиш, гилам тўқиш сингари кўп меҳнати турларини яхшигина эгаллашган. Барими бирлашиб, касаначилик кооперациясини ташкил қилдик ва қисқа вақтда 73 киши унга аъзо бўлд.



Касаначиликнинг афзал томини, ишлаш учун уйдан чиқиш шарт эмас. Бу юртмачи хомашё билан кафолатли таъминлади, тайёрлаб берилган маҳсулот савдосини ҳам амалга оширади. Биз билан ҳамкорлик қилиб иш бераётган тадбиркорнинг ташқи бозорга чиқиш имкониятлари орқали уйда тикаётган сўзана ва бошқа каштачилик буюмларимиз Қозоғистон, Туркия, АҚШ, Хитой давлатларига етиб борапти. Утган йилнинг ўзида 200 минг АҚШ долларидан кўпроқ қийматдаги маҳсулотимиз экспортга чиқди.

Каштачилик, гилам тўқиш ҳам бир санъат. Масалан, бир дон мураккаб турдаги каштачилик буюмини кўлдан чиқариш учун 20 — 25 кунлаб тер тўқишга тўри келади. Уларни асли иппакдан тикамиш, шунинг учун ҳам харидориги. Меҳнатига тўланадиган ҳақ ҳам шунга яраша. Масалан, Робия Маърупова, Лобар Тожибоева, Гулбахор Жўрабоева сингари оқимингиларимиз уйдан чиқмаган ҳолда 4 миллион сўмгача пул ишлаб топапти.

Хуллас, касаначиликни йўлга қўйганимиз шаҳардан анча четдаги маҳалламизда аёллар бандлиги масаласини ечишда муқим ўрин тутаяпти. Биздан ўрнак олиб меҳнатни ташкил этишнинг ушбу шакли билан шуғулланаётганлар сони туманимиз бўйича 300 кишидан ошади. Буларни қуриб, ўзбек аёлнинг қўли гул, меҳнати баракали, деган фикр яна бир бор тасдиғини топаётганидан хурсанд бўлиб кетаман.

«Халқ сўзи».

ШОГИРДЛАРИМ КАМОЛИ — МЕНИНГ БАХТИМ

Дилфуза НИЗОМОВА,
Каттакўрган туманидаги 15-умумтаълим мактабининг олий ўқувчи биологика фани ўқитувчиси (Самарқанд вилояти):



— Яқин-яқингача мактаб, ўқитувчи ўқувчи ёшлар тақдирига муносабат бугунгидай эмасди. Кейинги етти йилда ўқитувчи касби нуфузини ошириш, педагоглар учун қўлай шароитлар яратиш ва меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Табийки, бу ўз-ўзидан зиммамиздаги масъулиятни оширади. Бир пайт-

юкларни елкамиздан олиб ташлаган Президентимизнинг юксак эътибор ва ғамхўрлигига жавобан биз, ўқитувчилар ёш авлодга таълим бериш жараёнида сидқидилдан меҳнат қилишимиз, "Янги Ўзбекистон" — мактаб остонасидан бошланади, деган эзгу ғоя асосида фаолият олиб боришимиз зарур. 32 йиллик ўқитувчилик фаолиятим давомида кўлаб ёшларга сабоқ бердим. Улар орасидан бугун фан доктори, хусусий клиника раҳбари бўлиб етишганлари талайгина. 700 дан зиёд ўқувчиларим бугун турли тиббиёт муассасаларида шифокор бўлиб фаолият юритмоқда. Қолаверса, ўзим

яшайдиган Қадан қишлоғида биология ва кимё фани ўқитувчиси бўлган 40 нафар шоғирд тайёрладим.

Мактабда кимё ва биология фанига қизиқувчи ўқувчилар кўп. Айрим оилаларда фарзандини хусусий ўқув марказида ёки репетиторга бериб ўқитиш учун имконият бўлмаслиги мумкин. Ана шундай ўқувчиларни ўзим излаб топаман ва бепул дарс ўтишимни тушунтираман. Мақсадим — мактабда олинган билим билан олий ўқув юртига кириш мумкинлигини исботлаш.

2022/2023 ўқув йилида мактабни битирган 14 нафар шоғирдим мам-

лакатимиздаги нуфузли олий таълим муассасаларига ҳужжат топширди. Улардан 10 нафари талабаликка тавсия этилди. Шундан 6 нафари айнан тиббиёт йўналиши бўйича ўқишга кирди. Қувонарлиси, уларнинг аксарияти эҳтиёжманд оилалар фарзандлари.

Очиги, сидқидилдан қилинган меҳнат муқофосиз қолмайди. Кўксимдаги "Меҳнат шухрати" ордени узоқ йиллик фаолиятим самараси. Бундай юксак эътибордан руҳланиб, шу касбни танлаганимдан, Ўзбекистонимизга муносиб авлодлар тарбиялаш ишга оз бўлса-да, ҳисса қўшаётганимдан гурурланиб кетаман.

ИННОВАЦИОН ТАШАББУСЛАР, ОҚИЛОНА ТАШҚИ СИЁСАТ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЎСИШИГА ЗАМИН ЯРАТМОҚДА

Ўзбекистонда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида эришилган юқори иқтисодий кўрсаткичлар кенг жамоатчиликка маълум қилинди. Ушбу иқтисодий ўсиш тенденциялари мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилмоқда. Хусусан, уларда давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган макроиқтисодий кўрсаткичлар, шунингдек, мамлакат иқтисодиёти тармоқларини ривожлантириш тўғрисидаги муҳим маълумотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари, халқаро экспертлар, ишбилармон доиралар вакиллари ва Ўзбекистоннинг яқин ҳамкорлари ҳам республиканинг иқтисодий ўсиш тенденциялари бўйича ўз фикрларини билдирмоқда.

Дунё нигоҳи

Халид Таймур АКРАМ, Умумий келажак жамияти таҳлил маркази ижрочи директори (Покстон):

— Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон иқтисодиётининг 2024 йил биринчи ярим йиллигида кўлга киритган натижалари эътирофга лойиқ. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро бозорда кузатилаётган ўзгаришлар жараёнларга қарамастан Ўзбекистоннинг барқарор ўсиш суратларини намояндалаштириши, инвестицияларнинг умумий ҳажми сезиларли кўпайгани мамлакатда ички ва ташқи ўйланган иқтисодий сиёсат юритилаётганидан далолат беради.

Давлатингиз раҳбарининг миллий иқтисодиётни модернизация қилиш бўйича улкан дастури ярим йилликда эришилган кўрсаткичларнинг пойдевори бўлди. Дастур иқтисодий фаолиятни янада оширишга қаратилган бўлиб, мақсадли кўрсаткичлардан ҳам юқори натижаларга эришни тасминлади.

Ўзбекистон иқтисодиётини янада либераллаштиришда давом этиш мамлакат етакчиси амалга ошираётган ислохотларнинг асоси бўлиб қолмоқда. Хусусан, бизнесни рўйхатдан ўтказишни соддалаштириш, хорижий инвестициялар йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, умумий ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Ислохотлар Ўзбекистон иқтисодий ўсиш ва халқаро инвестициявий фаоллигининг энг ривожланаётган марказига айлантирди, унинг Фарб ва Шарқни боғловчи йирик транспорт хаби сифатидаги тарихий ролини қайтарди.

Ушбу даврда иқтисодиётни жадал рақамлаштиришга қаратилган стратегик чора-тадбирлар амалиётга жорий этилди. Хусусан, тадбиркорларнинг электр ва газ таъминоти тармоқларига улашни автоматлаштириш белгиланди. Бу тармоққа инсон омилсиз улашни, жараённи соддалаштириш ва самардорлиқни оширишга хизмат қилади.

Халқаро мутахассислар ва экспертлар таъкидида кўра мамлакатда меҳнат унмдорлигини, капитал, ер ва ресурслар бозори самардорлигини оширишга қаратилган муҳим чоралар кўрилгани хозирги босқичда дастлабки ислохотлар динамикасини ҳамда барқарор иқтисодий ўсиш тенденциясини сақлаб қолиш ва ривожлантириш имконини берди.

Ўзбекистон Президентини раислигида ўтказилган йилги иқтисодий ва саноат лойиҳаларини амалга оширишнинг самарали йўналишлари ҳам белгилаб олинди. Истиқболли конларни қидириш ва ўзлаштириш, электр энергиясини узатиш учун янги магистралларни қуришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва фойдаланилмаган иқтисодий активлар тўғрисида-тўғри хорижий инвестицияларни мамлакатга фаол жалб этишда. Статистик маълумотларга қўра, сўнги ярим йилликда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори рекорд кўрсаткичга — 15,5 млрд. долларга етди ва йил якунига бу кўрсаткич камида икки баробар ўсиши кутилмоқда.

Ақмал МУҲАММАДОВ олган суратлар.

Хукумат агробизнес, энергетика ва туризм каби соҳаларда қатор имконият ҳамда имтиёзлар яратмоқда. Натижада мамлакатга капитал билан биргаликда янги иш ўринлари, бошқарув тажрибаси ва технологик “ноу-хау”лар ҳам кириб келяпти. Бу пировадарда аҳоли фаровонлигининг ошишига хизмат қилаётди.

Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигидаги инновацион ташаббуслар, оқилона ташқи сиёсат ва барча соҳадаги ислохотлар нафақат мамлакат иқтисодиётини ўзгартиради, балки келгуси йилларда барқарор ва инклюзив ўсишга замин яратмоқда.

Хесус ГИЛ, Мадрид автоном университетининг Осие тадқиқотлари маркази профессори, Испания шарқшунослари уюшмаси бош котиби, туркшунос:

— Сўнги янгиликлар Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш ва ривожланиш соҳасидаги аjoyиб ютуқлари ва режаларини намойиш этди. Биринчи ярим йилликда мамлакат ялпи ички маҳсулоти 6,4 фоизга ўсгани саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳалари жадал ривожланиётганидан далолат.

“Яшил” энергетика соҳасидаги ислохотлар, шунингдек, инфратузилма ва ижтимоий лойиҳаларга йирик инвестицияларнинг киритилиши алоҳида эътиборга лойиқ. 15,5 млрд. долларлик хорижий инвестиция жалб этилгани, 3 мингта янги лойиҳанинг ишга туширилиши, 70 минг иш ўрни яратиши ҳукуматнинг капитал жалб этиш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб бораётган муваффақиятли иқтисодий сиёсатини акс эттиради. Иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва фуқаролар учун янги имкониятлар яратишига хизмат қилувчи кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим қадам.

Айниқса, инфратузилmani яхшилаш, уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектиларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани аҳоли ҳаёт сифатида бевосита таъсир кўрсатаётгани қувонарлидир.

Ушбу ютуқлар ва режалар Ўзбекистон иқтисодиётини янада мустақамлаш ҳамда аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадлари жиҳиди эканини яққол ифодаляди.

Ван МИНМЭЙ, Хитойнинг «Psearcher» журнали муҳаррири:

— Хитойнинг ҳар томонлама қулай ва стратегик ҳамқори бўлган Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнларини диққат билан кузатиб бораёмиз. Мамлакатларимиз икки томонлама даражада ҳам, БМТ, ШҲТ, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси ҳамда “Марказий Осие — Хитой” формати доирасида ҳам фаол ҳам-корлик қилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг деярли барча жаҳасида тобора

юқори кўрсаткичларга эришиб, жадал юксалиш йўлига ўтди. Буни, хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев 2024 йил 17 июль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида маълум қилган жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичлари ҳам яққол тасдиқлайди.

Хусусан, 2024 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 6,4 фоизга ўсди. 2023 йилнинг шу давридагига нисбатан деярли барча иқтисодий кўрсаткич яхшиланди.

Ушбу даврда Ўзбекистон иқтисодиётига жами 15,5 млрд. АКШ доллари миқдорига хорижий инвестициялар жалб этилди, шундан 14 млрд. доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўлганини алоҳида таъкидлаш керак.

Йил бошдан 3,5 млрд. долларлик 3 мингта лойиҳа ишга тушиб, юқори рентабелликка эга 76 мингта юқори даромадли доимий иш ўрни яратилгани алоҳида эътиборга молик.

“Яшил” энергетика соҳасидаги ишлар ҳам натижа бера бошлади. Масалан, биринчи ярим йилликда ишга тушган 2,4 гаваттли 10 та қуёш ва шамол электр станцияси ҳисобига 1,6 млрд. киловатт “яшил” энергия олинди. Бу ярим миллиард кубометр газни тежаш имконини берди.

“Умуман, йил бошдан буён республикада яратилган қўшилган қиймат 45,1 миллиард долларга етган. Бундай рақамлар илгари бўлмаган”, деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Даҳақатлик, жаҳон иқтисодиёти қўллаб-қувватлашга дуч келган шароитда Ўзбекистон тараққиётининг бундай динамикаси мамлакатда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар юқас самаралар бераётганини яна бир бор тасдиқлайди. Хитой бу тенденциядан, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги фаол иқтисодий ҳамкорлик Ўзбекистоннинг ички ривожланиши жараёнларига хизмат қилаётганидан мамнун.

Морис ГАТТАС, Катарнинг «Power International Holding» компанияси бош директори ўринбосари:

— Сўнги бир неча йил ичида халқаро бизнеснинг жозибдор марказига айланган янги Ўзбекистоннинг қўллаб-қувватлаш тубдан ўзгарганига барчамиз гувоҳ бўлялмиз.

Мамлакат етакчиси томонидан жамият ва давлат ҳаётининг барча жаҳасини модернизация қилишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу эса узок муддатли истиқболда Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ривожланиши таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат ташқи иқтисодий маффаатларини фаол илгари суриш бўйича комплекс стратегияси хорижий инвестицияларни жалб этиш ва савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилишда янги истиқболларни очиб берди. Ушбу омилар тўғрисида янги Ўзбекистон Марказий Осиедаги хорижий компаниялар учун энг ишончли ҳамқорга айланди.

Олий даражадаги ташрифлардан сўнг Ўзбекистоннинг Яқин Шарқдаги биринчи стратегик ҳамқорига айланган Катар билан кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда янги саҳифа очилди.

Ўзбекистон Президентини раислигида ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсиш суратларини таъминлаш бўйича биринчи ярим йиллик таҳлили юзасидан ўтказилган йилги ахборотини диққат билан ўқидим.

2024 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6,4 фоизга, саноат 7,8 фоизга ўсгани қувонарлидир. Ўтган даврда

мамлакатга 15,5 млрд. АКШ доллари миқдорига хорижий инвестициялар жалб қилинди, Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсиш йўлидаги натижалари Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, ҳамқор давлатлар раҳбарлари, рейтинг ташкилотлари ва йирик инвесторлар томонидан эътироф этилди.

Давлат раҳбари йилги иқтисодий ўсиш суратларини эълон қилиш билан бирга, кўпроқ муаммолар ҳақида гапириб, аниқ режа ва вазифаларни белгилаш зарурлигини таъкидлади. Иқтисодий ўсишни янада ошириш, молия, солиқ соҳасини такомиллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

“Оилавий тадбиркорлик” дастурини янада ривожлантириш ва тадбиркорликни “яширин иқтисодиёт”дан чиқариш ва мамлакатда янги иш ўринлари яратиш механизми тасдиқланди.

Буларнинг барчаси янги Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини очиб, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва иқтисодий ўсишнинг янги нуқталарини аниқлаш йўлида ишонч билан одимлаётганидан далолат беради.

Чонг Те ГИМ, Жанубий Кореянинг «Everevolution» компанияси ижрочи директори:

— “Everevolution” консорциуми вакили сифатида Ўзбекистоннинг Гулистон шаҳрини ривожлантириш лойиҳаси ишга масъулман. Компаниямиз Гулистон шаҳрининг янги марказини ривожлантириш бўйича йирик лойиҳа устида ишламоқда. Лойиҳа 56,4 гектар майдонни эгаллаётган ва тижорат объекти, тураржой мажмуалари, кўп қаватли уйлар, мактаблар, давлат идоралари ва боғларни ўз ичига олади. Жумладан, биз ҳудудда давлат шифохонасини ташкил этишни режалаштирганимиз.

Бир йил давом этадиган биринчи босқичда 8 гектарга яқин майдонда 2 мингта яқин биноларни ўз ичига олган савдо объекти ва тураржой мажмуаларини қуришни бошлашди. Келгуси йилда ушбу босқични яқунлаштириш режалаштирилган. Лойиҳани тўлиқ амалга ошириш беш йил давом этиши кутилмоқда ва унинг қиймати 300 млрд. вондан ошади, бу тахминан 220 млн. АКШ долларига тенг.

Корея Республикаси тиббиёт тизими таърибасини Гулистон шаҳрига татбиқ этиш бўйича мамлакатимиз тиббиёт мутахассислари билан яқиндан ҳамкорлик қилаялмиз. Бундан ташқари, лойиҳа Жанубий Кореянинг етакчи қурилиш компаниялари ва банклари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Биз алақачон Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларнинг етакчи муҳандислик компаниялари ёрдамида лойиҳалаш ва бош режани ишлаб чиқишни бошладик.

Ўзбекистон ҳукуматининг кўмаги биз учун ниҳоятда муҳим. Ҳар икки давлат раҳбарлари ҳамкорликка қизиқиш билдириди, биз Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи чоғида жорий йилнинг июнь ойида ўзаро англашув меморандуми ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимини имзолаган эдик. Ташриф давомида турли ҳамкорлик чора-тадбирларини фаоллаштиришга доир муҳим масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон Президентини эришилган келишувларни сифатли ва тўлиқ амалга оширишга ваъда бергани лойиҳа муваффақиятли бажарилишига ишонч бағишлайди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг қиритилган ҳар қандай инвестиция учун маблағларнинг эркин ҳаракатланиши таъминланиши ваъда қилгани кўпчилик инвесторларда катта таассурот қолдириди ва ишончим комилки, давлатингиз раҳбарининг мустаҳкам иродаси “Everevolution”

компанияси учун турли лойиҳаларни амалга оширишда катта ёрдам беради.

Ўзбекистон Президенти томонидан қатъий макроиқтисодий сиёсат олиб боришда, жумладан, тарифларни рағбатлантириш, эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш йўлга қўйилди. Бу инвесторлар учун қулай шарт-шароит яратмоқда. Агар зарур материаллар Ўзбекистонда бўлмаса, уларни олиб киришда тариф имтиёзлари тақдим этиляпти.

Ишончим комилки, Ўзбекистон ички макроиқтисодий сиёсат ва хорижий инвесторларнинг қўллаб-қувватлаши натижасида юқори ўсишга эришади. Ўзбекистон тўғридан-тўғри денгизга чиқа олмайди, Швейцария каби солиқ имтиёзлари ва қулай ишбилармонлик муҳити тўғрисида жозибдор инвестициявий йўналишга айлиши мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, Жанубий Корея инвестор ва ишбилармонларини Ўзбекистон ҳукумати томонидан яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишга чақираман. Мамлакатингиз юксалиб, ривожланиб боришига ишонман ва биргаликдаги савб-ҳаракатларимиз инвесторларга ҳам, Ўзбекистон халқига ҳам фойда келтиради.

Далия АЛКАТИРИ, «Alpha Group» компанияси ижрочи директори, Малайзиядаги Ўзбек маҳсулотлари шоу-руми ҳаммуассиси:

— Ўзбекистоннинг жорий йил биринчи ярмида эришган иқтисодий ютуқлари мамлакатни барча соҳада ривожлантиришда ижобий тенденцияларни кўрсатмоқда. Ва бу барча ижобий натижалар ортида, шубҳасиз, Ўзбекистон Президентининг улкан меҳнати ётибди.

Давлатингиз раҳбари раҳнамолигида мамлакатингизда иқтисодиётни модернизация қилиш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган иқтисодий ислохотлар ички давом эттирилмоқда. Шу билан бирга, хорижий капитални жалб қилиш, инфратузилmani, қишлоқ хўжалиги ва агросаноат комплексини ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, турли ижтимоий дастурларни татбиқ этиш ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий омилга айланди.

Шу нуқтага назардан, Ўзбекистон раҳбарининг бюрократик тартиб-таомилларни соддалаштириш ва хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароит яратиш орқали инвестиция муҳитини яхшилашга фаол кўмаклашаётгани алоҳида эътиборга лойиқ. Қисқа вақтда қатор давлатлар билан янги йирик инвестициявий шартномалар имзоланди, бу эса тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг ошишига олиб келди.

Катта миқдорда инвестициялар транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан, янги автомобиль йўллари қуриш, темир йўл тармоғини модернизация қилиш ва электр станцияларининг қувватини оширишга йўналтирилди. Бу саноат ва савдонинг ривожланишига ёрдам берди.

Кичик ва ўрта бизнесни имтиёзли кредитлар, солиқ имтиёзлари ва грантлар бериш орқали қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон етакчиси иқтисодий сиёсатининг муҳим жиҳати бўлди. Буларнинг барчаси янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш имконини бермоқда.

Ишончим комилки, Ўзбекистон раҳбарияти бошланган ислохотларни ички давом эттириб, барқарор ривожланишни янада ошириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришда инвестицияларни иқтисодиётнинг стратегик тармоқларига йўналтиради.

«Дунё» АА.

ИССИҚ ЁЗНИНГ ОТАШИН ҲАЯЖОНЛАРИ

Мамлакатимизда олий ва профессионал таълим муассасаларига кириш тест синовлари бўлиб ўтмоқда



Ақмал МУҲАММАДОВ олган суратлар.

Яқинда давлатимиз раҳбарининг “2024/2025 ўқув йили учун давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги фармойиши эълон қилинди. Унда 2024/2025 ўқув йили учун давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари — бакалаврлар тайёрлаш бўйича кундузги таълим шаклига 34 минг 838 нафар, магистрлар тайёрлаш бўйича 9 минг 365 нафар этиб белгиланди.

Абитуриент — 2024

Қайд этиш жоизки, 2024/2025 ўқув йили учун абитуриентларни онлайн рўйхатга олиш 5 июндан 25 июнга қадар давом этиб, у Ягона интерактив давлат хизматлари портали — “my.gov.uz” ҳамда Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги сайти — “my.uzbmb.uz” орқали онлайн тарзда амалга оширилди.

Жорий йил таълим-тарбия олиш истагида жами 894 минг 279 нафар талабгор рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 410 минг 415 нафарини бу йилги мактаб битирувчилари, 483 минг 864 нафарини эса аввал-



г и йилларда тамомлаган абитуриентлар ташкил этди. Яқинда рўйхатдан ўтиш талабларини тўлиқ бажарган 805 минг 688 нафар абитуриентга тест синовларида иштирок этишга рухсат берилди ва имтиҳон жараёнлари 14 июль куни старт олди.

Абитуриентларни ҳар бир катта сизимли бинада ташкил этилмоқда.

— Ўз устида ишлаган, билимларини бойитган, устозларидан яхши таълим олган ҳар қандай

қўпма қийин туюлмади, ҳаммаси ўқиб, билиб юрган нарсаларим. Ўзимга ишончим бандан, насиб этса, албатта, талаба бўламан.

Жорий йил тест синовларини адолатли ва шаффоф ўтказиш мақсадида кенг жамоатчилик орасидан очик танлов ўтказиш орқали 2 минг 690 нафар гуруҳ назоратчиси танлаб олинди. Шунингдек, гапириш ва эшитишда нуқ-

сони бўлган абитуриентларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида 130 дан ортиқ судротаржимонлар жалб этилди.

Имтиҳонларда фойдаланиладиган 15 та (тиллер кесимида 29 та) умумтаълим фанидан 40 мингдан ортиқ янги тест топшириғи шакллантирилди ва экспертизадан ўтказилди.

Абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини қизиқтирган саволларга жаваб бериш учун “1195” қисқа рақамли мурожаатлар маркази доимий хизмат кўрсатмоқда.

Билим талабгорлари тест синовларида қанча балл тўплаганини билиб олишлари узокқа чўзилмаяпти. Натижаларини имтиҳоннинг эртаси куни “my.uzbmb.uz”, “mandat.uzbmb.uz” сайтлари, SMS хабарнома хизмати ҳамда Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг махсус телеграм ботлари га мурожаат этиш орқали билиб олиш имконияти яратилган.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»).

Самарқандда VII-VIII асрларга оид ибодатхона ва ноёб деворий суратлар топилди.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси кузурлигида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 12 561 нусxada босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Қаримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мушаххис — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Тахририятга келган қўғамлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жаобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.18 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5 6